

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИҶТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLEMINKA

НАҶМНАС ЗАҲҲТРОННАС
BIBLIOTHECA
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

3 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 3, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD

VOLUME 3, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журналі

№3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3>

Бош муҳаррир:
Каньязов Есемурат Султамуратович

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги қошидаги
Юристлар малакаси ошириш маркази
директори, юридик фанлари номзоди

Бош муҳаррир ўринбосари:
Отажонов Абдоржон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журналі

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Окюлов Омонбой

*Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

Юридик фанлари доктори, профессор

Тошев Бобокул Норқобилович

Юридик фанлари доктори, профессор

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза
қилиш академияси бошлигининг ўринбосари,
юридик фанлари доктори, профессор*

Ташкулов Джурабай

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти тарихий-назарий,
давлат-ҳуқуқий ва конституциявий ҳуқуқий
фанлар бўлими бошлиғи, юридик фанлар
доктори, профессор*

Отахонов Фозилжон Хайдарович

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий
кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби
профессори, юридик фанлари доктори,*

Баймолдина Зауреш Хамитовна

*Қозоғистон Республикаси Олий Суди
Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

Здрок Оксана Николаевна

*Белорус давлат университети судьялар, ҳамда
суд, прокуратура ва адлия муассасалари
ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларни
малакасини ошириш институти директори*

Масъул котиб:

Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристлар малакасини ошириш маркази
доценти, юридик фанлари номзоди*

Саҳифаловчи: Халиков Миртоҳир Мирзакирович

Контакт редакцији журналі:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА
 №3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3>

Главный редактор:
Каньязов Есемурат Султамуратович

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, кандидат юридических наук

Заместитель главного редактора:
Отажонов Абдоржон Анварович

Профессор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:
Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

Окюлов Омонбой

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

Саидова Лола Абдувахидовна

Доктор юридических наук, профессор

Тошев Бобокул Норкobilович

Доктор юридических наук, профессор

Мамасиддилов Музаффаржон Мусаждонович

Заместитель начальника Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Ташкулов Джурабай

Заведующий отдела историко-теоретических, государственно-правовых и конституционно правовых наук Института государства и права Академии Наук Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Отаждонов Фозилжон Хайдарович

профессор Высшей школы судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан, доктор юридических наук

Баймолдина Зауреш Хамитовна

Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук

Здрок Оксана Николаевна

Директор Института переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета

Масул котиб:

Рахманов Шухрат Наимович

Доцент Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук

Верстка: Халиков Миртохир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
 WEB: yuristjournal.uz
 E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
 Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
 WEB: yuristjournal.uz
 E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
 Telephone: (+99871) 2345345

Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD

№3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3>

Chief Editor:
KANYAZOV Yesemurat

Director of the Lawyers' Training Center under
the Ministry of Justice of the Republic of
Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Law (PhD)

Deputy Chief Editor:
Otajonov Abrorjon

Professor at the Lawyers' Training Center,
Doctor of Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD

Oqyulov Omonboy

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor
of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of
the Republic of Uzbekistan*

Saidova Lola

Doctor of Law Sciences, Professor

Toshev Bobokul

Doctor of Law Sciences, Professor

Mamasiddikov Muzaffarjon

*Deputy Head of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law
Sciences, Professor*

TashkulovDjurabay

*Head of the department of Historical-Theoretical,
State-Legal and Constitutional-Legal Sciences of
the Institute of State and Law of the Academy of
Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of
Law, Professor*

Otaxonov Foziljon

*Professor of the Higher School of Judges at the
Supreme Judicial Council Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law*

Baymoldina Zauresh

*Rector of the Academy of Justice at the Supreme
Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of
Legal Sciences*

Zdrok Oksana

*Director of the Institute for Retraining and
Qualification Upgrading of Judges, Prosecutors
and Legal professionals at the Belarusian State
University*

Executive Editor:
Rakhmanov Shukhrat

*Acting professor of the Lawyers' Training Center,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law*

Pagemaker: Khalikov Mirtokhir

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Telephone: (+99871) 2345345

Мундарижа

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1. АЗИЗОВ Нигмонжон Пардаевич

МАНУ ҚОНУНЛАРИДА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ 8

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

2. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

ПЕРСПЕКТИВА ПРИМЕНЕНИЯ ДОГОВОРА ПРОСТОГО ТОВАРИЩЕСТВА В РЕСПУБЛИКЕ
УЗБЕКИСТАН.....15

3. ОКЮЛОВ Омонбой

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ ДУНЁ БОЗОРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ
МАКОНИ СИФАТИДА.....22

4. ЮЛДАШОВ Абдумумин Абдугопирович

МАЖБУРИЙ ЛИЦЕНЗИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ:
МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИ МИСОЛИДА34

5. Д-р Ольга ГУРГУЛА, ТИЛЛАБОЕВ Шохрухбек

ПРИНУДИТЕЛЬНЫЕ ЛИЦЕНЗИИ, КАК ЭФФЕКТИВНЫЙ МЕТОД ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ.....41

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

6. BEGATOV Jasurbek Numonjanovich

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА КАМСИТИШНИ ТАҚИQLASH ТАМОЙИЛИНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ.....47

7. РАХМАТОВ Мирсаид Озаматович

КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ55

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

8. ИБРОХИМОВ Бахтиёр Тойиржонович

ИДОРАВИЙ НАЗОРАТ, ПРОКУРОР НАЗОРАТ ВА СУД НАЗОРАТИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО
МУТАНОСИБЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ64

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

9. УТЕМУРАТОВА Сапаргул Шамшетовна

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР
СУБЪЕКТИ СИФАТИДА – ЮРИДИК ШАХСЛАР71

10. АКБАРОВ Саидакбархон Рустам уғли ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲАМДА СОҲАДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ	78
---	----

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

11. ФАЙЗУЛЛАЕВА Нигорахон Равшановна СУБЪЕКТЫ МЕЖДУНАРОДНОГО КУЛЬТУРНОГО ПРАВА И ИХ МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАВОСУБЪЕКТНОСТЬ	90
--	----

12. RAKHIMOVA Muattara ISSUES OF ACHIEVEMENT OF GENDER EQUALITY: SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOAL No. 5	99
--	----

13. ХУДЖАМОВА Камола Акмал кизи ПРАВОВАЯ ОСНОВА ТРЕБОВАНИЙ МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНВЕНЦИИ О ЛИКВИДАЦИИ ВСЕХ ФОРМ РАСОВОЙ ДИСКРИМИНАЦИИ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ	105
---	-----

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

14. URINBOYEV Rustamjon LIVING LAW AND ANTI-CORRUPTION IN UZBEKISTAN	116
--	-----

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА

LAWYER HERALD

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

АЗИЗОВ Нигмонжон Пардаевич

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Давлат ва ҳуқуқ
институты бош илмий ходими, юридик фанлари доктори, профессор
E-mail: n.azizov@islas.uz

МАНУ ҚОНУНЛАРИДА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АЗИЗОВ Н.П. Ману қонунларида одил судловни амалга ошириш масалаларининг ифодаланиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № (2024) Б. 8-21.



3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада қадимги Ҳиндистон диний-ҳуқуқий манбалари, Ману қонунларининг шаклланиши, мазмуни-моҳияти, Ману қонунларида одил судловни амалга ошириш масалалари, ҳукмдорнинг одил судловни амалга ошириш бўйича ваколатлари, судьяларнинг ваколатлари, ҳуқуқий мақоми, иштирокчилар, гувоҳларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, адолатнинг ўрнатилиши, ҳақиқатни тиклашда гувоҳларга қўйиладиган талаблар, судда тўғри сўзлаш мажбурияти, ёлгон гувоҳлик бериш ва унинг оқибатлари баён этилган, шунингдек, муаллиф томонидан тавсиявий хулосалар билдирилган.

Калит сўзлар: Қадимги Ҳиндистон, диний-ҳуқуқий манбалар, Ману қонунлари, одил судлов, одил судловни амалга ошириш, гувоҳларнинг мақоми, ёлгон гувоҳлик бериш оқибатлари.

АЗИЗОВ Нигмонжон Пардаевич

Главный научный сотрудник института Государства и права
Академии наук Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор
E-mail: n.azizov@islas.uz

ОСВЕЩЕНИЕ ВОПРОСОВ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПРАВОСУДИЯ В ЗАКОНАХ МАНУ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются религиозно-правовые источники Древней Индии, такие как формирование, содержание и сущность Законов Ману, вопросы осуществления правосудия в Законах Ману, полномочия правителя при осуществлении правосудия, полномочия судей, а также правовой статус, права и обязанности свидетелей и других

участников, установление справедливости, восстановление истины, требования к свидетелям, обязанность свидетелей говорить правду в суде, лжесвидетельство и его последствия. В данной статье автором предоставлены выводы и рекомендации по разрешению проблематики осуществления правосудия.

Ключевые слова: Древняя Индия, религиозно-правовые источники, Законы Ману, правосудие, отправление правосудия, статус свидетелей, последствия лжесвидетельства.

AZIZOV Nigmonjon
Chief researcher of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences
of the Republic Uzbekistan, Doctor of Law, professor
E-mail: n.azizov@islas.uz

THE REFLECTION OF FAIR TRIAL IMPLEMENTATION ISSUES IN MANU LAWS

ANNOTATION

The article discusses the formation, content, and essence of the religious-legal sources of ancient India, particularly the Manu Laws. It elaborates on the issues of implementing fair trials within the Manu Laws, the ruler's authorities concerning the administration of justice, the powers of judges, their legal status, participants, the rights and obligations of witnesses, the establishment of justice, the requirements placed on witnesses for truth restoration, the obligation of speaking truthfully in court, and the consequences of giving false testimony. Additionally, the author provides some recommendatory conclusions.

Keywords: Ancient India, religious-legal sources, Manu Laws, fair trial, administration of justice, the status of witnesses, consequences of giving false testimony.

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари географик жиҳатдан яқин жойлашган бўлиб, бу уларнинг қадим даврлардан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни ўрнатишига туртки бўлган. Қадимги Ҳиндистонда одамлар бориб ўрнашиши билан, у ерда ўзига хос турмуш тарзи, тили, маданияти, дини билан фарқланувчи жамият шаклланиб. Албатта бу жараён бошқа кўплаб омилларнинг таъсири остида рўй берган. Шу сабабли, қадимги Ҳинд халқлари тарихини, дини, урф-одатларини ўрганиш ҳар доим долзарб аҳамият касб этган.

Инсоният тарихида илк динлардан бирининг вужудга келиши ва ривожланиши Ҳиндистон билан боғлиқ. Қадимги Ҳиндистонда диний манбалар кўпчиликни ташкил этиб, улар турли даврларда шаклланиб. Тадқиқотчилар қадимги Ҳиндистон диний манбаларнинг даражасига қараб турларга бўладилар. Илоҳий манбалар икки катта турга бўлинади: шрутлар ("тингланган") ва смритлар ("ёдда тутилган"). Шрутлар деганда тўртта Ведалар тушунилиб, улар азалдан Брахма томонидан Олий Худодан қабул қилиб олинган. Машҳур донишмандлар Шрутларнинг англашига қараб Смриталарни тузганлар [1, Б.3; 2, Б.294].

Қадимги Ҳиндистонда турли диний-ҳуқуқий мактаблар томонидан кўплаб дхармасутра ва дхармашастрлар – ҳуқуқий тўпламлар яратилган. Мазкур қонунлар тўпламларидан энг машҳури бўлиб, Ману қонунлари ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, унда умуман инсон ҳаёти ва Ҳиндистонда яшовчи одамлар жамоаси ҳаётининг барча жабҳаларига, яъни туғилиш ва ўлим, никоҳ ва оила, уруғ ва қабила, табақалар ва жамоат бошқарувига тааллуқли бўлган қоидалар ва қонунларни топиш мумкин [3, Б.5].

Ману қонунлари икки минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлишига қарамасдан, у ҳар доим тадқиқотчилар диққат-эътибори марказида бўлиб келган. Ману қонунлари немис тадқиқотчиси И.Г.Бюлер [5, Р.ХI], инглиз тадқиқотчиси Уильям Джонс [6.–366р] (Ману қонунларини биринчи марта инглиз тилига таржима қилган), Gharpure J.R. [7], Ramamoorthy R. [8, Б.51-64] ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ману қонунларининг яратилиши даври тўғрисида тадқиқотчилар орасида яқдиллик мавжуд эмас. Аксарият тадқиқотчилар унинг шаклланишини эр.ав. II аср, деб ҳисобласалар [10, Б.22; 11, Б.18], баъзилари Ману қонунлари аслида қадимийроқ эканлигини уқтирадилар [4,Б.6; 8,Б.51-64]. Бизнинг назаримизда, Ману қонунлари эр.ав II асрдан олдин пайдо бўлганлигини уқтираётган иккинчи гуруҳ тадқиқотчиларининг фикрлари ҳақиқатга яқинроқдир.

Ғарб ҳуқуқшунослари (ва айниқса Бентам ва Анстин) фикрига кўра, қадимги Ҳиндистонда қонун ёки позитив қонун – бу сиёсий жиҳатдан устун бўлган Суверен томонидан сиёсий жиҳатдан қуйи бўлган субъектларга бурч ёки мажбурият юклаш, у бузилган ёки бўйсунмаган тақдирда жарима ёки жазо чоралари қўллаши ва жисмоний шахснинг бепарволик ёки бурчни бажармаганлик учун жазо чораларини енгиллаштириш қобилияти ушбу шахснинг ҳуқуқи деб ҳисобланади [12, Б.2].

Тадқиқотчи Жайя Кунду Ману қонунларининг аҳамияти, мазмун-моҳиятини тадқиқ этган. Унинг фикрича, Ману-смрити, шунингдек, Манава-дхарма-шастра деб аталади. Ману смрити ҳиндуларга ўзларининг дхармаларини, яъни тўртта ижтимоий табақадан (варналар) бирининг аъзоси бўлган ва ҳаётнинг тўрт босқичидан бирида (ашрама) шуғулланадиган ҳар бир зиммасига юкланган мажбуриятларни белгилаган. Ману қонунлари диний қонун ва дунёвий ҳуқуқнинг уйғунлашуви бўлиб, ҳинд тафаккурининг барча жабҳаларига, хусусан, табақа тизимини асослашга катта таъсир кўрсатган [13, Б.149].

Агарда Веда ва Упанишадаларда (ҳиндистон диний манбалари) аксарият ҳолларда жамият аъзоларининг вазифалари, бурчлари, мажбуриятлари, ахлоқий қоидалар ўз ифодасини топган бўлса, Ману қонунларида шулар билан бир қаторда кўплаб ҳуқуқий қоидалар мужассамланган. Мазкур қоидалар замонавий ҳуқуқшунослик соҳалари – оила, фуқаролик, давлат-ҳуқуқий, жиноят, жиноят-процессуал соҳаларига тегишлидир.

Ману қонунларида одил судлов, суд ишини юритиш, процессуал тартиб қоидалар, гувоҳ, айбланувчи, жабрланувчи, судьяларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қарор чиқариш тартиби каби масалалар батафсил тартибга солинган. Унга кўра, ҳукмдор одил судловни шахсан ўзи олиб бориши, ишни адолат билан, ҳар томонлама чуқур ўрганган ҳолда қарор чиқариши лозим бўлган. Агар ҳукмдор судлов ишини шахсан ўзи кўриб чиқмаса, билимдон брахманни суд ишларини кўриб чиқиш учун тайинлаши, у эса учта судьялар билан биргаликда ўтирган ёки тик турган ҳолатда ишларни кўриши, Ведаларни билган учта брахман ва ҳукмдор томонидан тайинланган олим брахман ўтирган жой “Брахма суди” деб аталиши, қаерда адхарма (дхарманинг акси, бузилиши – А.Н.) билан дхарма зарарланган судга кирса ва судьялар жиноятларнинг олдини олмаса, судьялар ҳам ўша адхарма билан зарарланади [3, Б.233].

Одил судлов жамиятда адолатнинг ҳукм суришига хизмат қилиши, гуноҳ ва жиноятлар тегишли жазоланиши, ҳақиқат рўёбга чиқиши учун хизмат қилади. Ҳинд диний-ҳуқуқий таълимотига кўра, жамиятнинг барча аъзолари ўзларига юклатилган “дхарма”ни адо этиши лозим. Судьялар кўз ўнгида дхарма – унинг акси “адхарма” билан, ҳақиқат – ёлғон билан яқсон қилинса, у ерда судьяларнинг ўзи ҳам ҳалокатга учрайди. Бузилган дхарма ҳалок қилади, сақланган дхарма – қўриқлайди, бузилган дхарма инсонларни жазоламаслиги учун дхарма бузилмаслиги лозим. Содир этилган адхармадан ҳосил бўладиган тўртдан бир қисм айб айбдорга, чорак қисми ёлғон гувоҳлик берувчига, чорак қисми – барча судьяларга, чорак қисми ҳукмдорга етиб боради. Жиноят содир этган шахс қилмишига лойиқ жазосини олса, бутун айб унга бўлиб, ҳукмдор ва судьялар айбсиз ҳисобланади [3, Б.269].

Ману қонунларида қонунни, дхармани шарҳланишига алоҳида эътибор қаратилган. Қатор қоидалар дхармани шарҳлаш тартибини белгилайди. Унга кўра, дхармани шарҳлаш ҳаммага ҳам мумкин бўлмаган. Брахман табиатан дхармани ўрнатиши, шарҳлаши ва ҳимоя қилиши мумкин [10, Б.22]. Шу билан бирга, ҳукмдор хоҳиши билан насл-насабли брахман, олим бўлмаган ёки келиб чиқиши номаълум бўлган, ўзини брахман деб ҳисоблаган шахс дхармани шарҳлаши мумкин, лекин шудра томонидан шарҳланиши

мутлақо мумкин эмас. Шудра ҳукмдор рухсати билан дхарма қоидаларини шарҳлайдиган мамлакат, худди сигир ботқоққа ботганидек ҳалок бўлади. Фақат шудралар истиқомат қиладиган, эътиқодсизлар яшайдиган, икки марта туғилганлар – брахманлари бўлмаган мамлакат очарчилик ва касаллик туфайли тезда ҳалок бўлади [3, Б.272].

Ҳукмдор судга тегишли тарзда кийинган, диққат-эътиборини жамлаган ҳолда, худога иззат-икром кўрсатиб ишларни кўришга киришиши, фойда ва зарарни, айниқса дхарма ва адхармани билган ҳолда, низолашувчи томонларнинг барча ишларини табақалар тартибига риоя қилган ҳолда кўриб чиқиши; инсоннинг ички кайфиятини ташқи белгилар: сўзи оҳанги, юз ранги, ҳаракатлари, кўзи ва имо-ишораларига қараб билиши; юз ифодаси, ҳаракатлари, юриши, имо-ишораси, кўз қарашлари ва юз рангининг ўзгариши билан яширин фикр-ўйларини аниқлаши кўрсатилган [3, Б.272].

Ману қонунларида суд ишларини тергов қилиш, одил судлов қоидаларига риоя қилиш, ҳақиқатни англаш, даъво предметини аниқлаш, гувоҳлар, ишнинг вақти, жойи ва ҳолатларини аниқ билиши лозимлиги кўрсатилган. Овчи қон изларига қараб ҳайвон изларини топганидек, ҳукмдор тергов йўли билан дхарма изларини топиши лозим бўлган. Одил судлов қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳақиқатни англаши, даъво предметини, гувоҳни ўзлигини англаши, ишнинг жойи, вақти ва ҳолатини аниқлаши керак [3, Б.274].

Маълумки, Одил судловни юритиш, ҳақиқатни аниқлаш, даъвогар ёки жавобгарнинг ҳақлиги ёки ноҳақлигини, тўғри ёки нотўғри гапираётганлигини аниқлаш, бўлган воқеа-ҳодисанинг аслини аниқлашда гувоҳларнинг кўрсатмалари беқиёсдир. Шу сабабли, Ману қонунларида одил судловни юритишда гувоҳлар, уларга қўйиладиган талаблар, гувоҳлик кўрсатмалари, гувоҳларни сўроқ қилиш тартиби, гувоҳларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми, кўрсатмаларининг тўғри ёки нотўғри деб топиш тартиблари, ҳақиқатни ўрнатиш учун зарур бўлган гувоҳлар миқдори, ёлғон гувоҳлик берганларга нисбатан жазо чоралари аниқ белгилаб берилган [3, Б.276].

Унга кўра, гувоҳлар судга етиб келиши, фақат ўзи кўрган ва эшитганини гапириши, тўғри сўзни гапириши лозим. Гапирмайдиган ёки ёлғон гапирадиган инсон гуноҳкор бўлади. Бирор киши ёлғондан даъвони рад этса, ёки ёлғон даъвони тасдиқламаса, уларнинг ҳар иккаласи ҳам дхармага зид йўл тутганлиги учун ҳукмдор томонидан даъвонинг миқдорига тенг равишда жаримага тортилган. Даъвогар томонидан келтирилган жавобгар сўралганда даъвонинг ҳақлигини рад этса, камида учта гувоҳ кўрсатмаси билан ҳукмдор томонидан тайинланган брахман ҳузурида фош этилиши керак.

Ману қонунларига мувофиқ ҳар қандай шахслар ҳам гувоҳ тариқасида суд ишида иштирок эта олмайди. Фарзанди бўлган уй эгалари, туб аҳоли вакиллари, кшатрийлар, вайшьялар ва шудралар даъвогар томонидан гувоҳ тариқасида чақирилиши мумкин. Суд ишларида барча табақалар, дхармани биладиган, очкўзликни билмайдиган, ишончга сазовор бўлган гувоҳлар чақирилиши, лекин унинг аксича хулққа эга бўлганларни чақириш мумкин бўлмаган. Гувоҳ сифатида даъводан манфаатдорлар, қариндошлар, иштирокчилар, душманлар, олдин ёлғон кўрсатма беришда айбланганлар, касаллар, оғир гуноҳсодир этганлар чақирилиши мумкин бўлмаган. Шу билан бирга ҳунармандлар, актёр, Ведалар билимдони, Ведани ўрганувчи, дунё ишларидан воз кечганлар, қуллар, инсонлар томонидан таҳқирланганлар, ёлланма хизматкорлар, тақиқланган машғулотлар билан шуғулланадиганлар, кекса, ёш бола, энг қуйи табақа вакиллари, бирор-бир сезги аъзосидан маҳрум бўлганлар, қашшоқлар, маст ҳолдаги инсонлар, ақлсизлар, очлик ва чанқоқликдан азият чекаётганлар, ғазабда бўлганлар, ўғрилар гувоҳ тариқасида чақирилишига йўл қўйилмаган [3, Б.276-277].

Аёлларга нисбатан аёллар, брахманларга нисбатан брахманлар, адолатли шудралар – шудраларга нисбатан, қуйи табақа вакилларига нисбатан – қуйи табақа вакиллари гувоҳлик бериши мумкин бўлган. Лекин сарой ички ётоғида, ўрмонда, ҳаётга хавfli бўлган ҳолатларда ким бўлишидан қатъий назар низолашувчиларга нисбатан гувоҳлик кўрсатмалари беришлари мумкин бўлган. Тегишли гувоҳлик кўрсатмалари бўлмаганда

ёш бола, кекса чол, ўқувчи, ҳатто қариндошлар, қуллар ёки хизматкорлар томонидан гувоҳлик берилиши мумкин. Лекин ёш болалар, кексалар, касаллар, сўроқда нотўғри гапирганда, шу билан бирга ақли норасолар кўрсатмалари ишончсиз деб қабул қилиниши керак бўлган [3, Б.278].

Тадқиқотчи Жайя Кунду, Ману ва Бхараспати қонунларини қиёсий тадқиқ этиб, Бхараспати қонунлари Ману қонунларини тўлдириши, аниқлаштириши мумкинлигини таъкидлайди. Гувоҳлар масаласида Бхараспати қонунлари 12 та гувоҳни фарқлайди. Бхараспати деҳқонларга, ҳунармандларга, ёлланма ишчиларга, чорвадорларга, овчиларга, теримчиларга, илдиз қазувчиларга, шунингдек, балиқчиларга уй ва далалар билан боғлиқ чегара низоларида гувоҳ бўлишга рухсат беради [13, Б.149-150].

Ману қонунларига кўра, баъзи турдаги суд ишларида гувоҳларни қаттиқ текшириш шарт бўлмаган. Жумладан, зўравонлик ишлатиш, ўғирлик, зино, сўз ва иш билан ҳақоратлашда гувоҳлар ўта синчиклаб текширилмаган. Гувоҳ кўрсатмалари турлитуман бўлганда, ҳукмдор кўпчиликнинг фикрини, тенг бўлганда – юксак сифатларга эга бўлганларнинг, юқори табақага оид бўлган гувоҳлар кўрсатмалари фарқланганда – брахманлар кўрсатмаларига устуворлик бериши лозим ҳисобланган [3, Б.279.].

Ўз кўзи билан кўрган ва ўз қулоғи билан эшитган гувоҳ кўрсатмалари муҳим ҳисобланган. Бунда ҳақни гапирган гувоҳ дхарма ва мулкдан маҳрум бўлмайди. Юқори судда кўрган ва эшитганидан бошқача гапирадиган гувоҳ, ўлгандан сўнг дўзахга ташланади ва осмондан маҳрум бўлади. Агарда бирор киши гувоҳ сифатида жалб этилмаган бўлса-да, гапириши лозим бўлган.

Битта беғараз эркак гувоҳ бўлиши ҳамда гувоҳларга ботмаган кўплаб эркаклар гувоҳ бўлишлари мумкин бўлган. Лекин аёллар ақлининг мунтазам эмаслиги учун, ҳақиқатпарвар ҳамда кўп билишса-да, улар судда гувоҳлик бера олмаганлар. Гувоҳлар табиатан нимани гапирса, одил судловда инobatга олиниши, бошқача гапирганда эса, дхармага номувофиқлиги учун инobatга олинмаслиги лозим бўлган [3, Б.279-280].

Ману қонунларида гувоҳларга қандай муомала қилиш, уларга қандай сўлар айтилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Унга кўра, судда йиғилган гувоҳларга даъвогар ва жавобгар иштирокида қуйидагича мурожаат қилинади: “мазкур ишда икковининг ўртасида ўтган ишлар тўғрисида нима биласиз?”; “Сизлар шу иш бўйича гувоҳсизлар, шунинг учун ҳаммасини борица айтиб беринг” [3, Б.280].

Кўрсатмаларида ҳақиқатни гапирувчи гувоҳ олий дунёга, бу дунёда эса – олий шуҳратга эришади. Кўрсатмаларида ёлғон гувоҳлик берадиганлар Варуна иплари (илонлар) билан боғланади, шу ҳолда юз мавжудликни бошдан кечиради. Шунинг учун гувоҳлик кўрсатмаларида ҳақиқатни гапириши лозим ҳисобланган. Унда белгиланганидек, гувоҳ ҳақиқат билан покланади, ҳақиқат ёрдамида дхарма унади. Шунинг учун ҳам барча табақадан бўлган гувоҳлар ҳақиқатни сўзлаши лозим бўлган.

Ману қонунларида гувоҳ ва унинг кўрсатмалари илоҳий характерга эгалиги таъкидланиб, фақат ҳақиқатни сўзлашга тарғиб этилади. Инсон руҳининг ўзи руҳнинг гувоҳи ҳисобланиб, шу билан бирга руҳ руҳ учун маскандир. Инсонларда олий гувоҳ бўлган ўз руҳидан нафратланмасликка чақирилади. Ёвузлар “бизни ҳеч ким кўрмайди”, деб ўйлайдилар. Лекин уларни худолар ва ўзларининг виждонлари кўриб туради.

Ману қонунларида гувоҳлик кўрсатмаларини бериш тартиби белгиланган. Унга кўра, судья покланиб, худолар ва брахманлар ҳузурида покланган брахманлардан тўғри кўрсатмаларни сўраши лозим бўлган. Гувоҳларни сўроқ қилиш инсоннинг табақасига қараб амалга оширилган. Яъни, брахманга нисбатан – “гапир”, кшатрийга – “ҳақиқатни гапир”, вайшьяга – “ёлғон кўрсатма бериш сигир, буғдой ва олтинни ўғирлаш каби жиноят эканлигини айтган ҳолда”, шудрага – табақадан маҳрум этадиган ҳар қандай жиноят учун жазо чорасини қўллаш билан кўрқитиб сўралиши белгиланган [3, Б.281-282].

Брахманнинг, аёллар ва болаларнинг қотили, дўстига хоинлик қилган, ношукурлик қилганлар учун ўлимидан кейин тушиши белгиланган жой – ёлғон кўрсатма берган шахс ўлимидан кейин тушадиган жой ҳисобланган. Фазилатли инсон қанчалик эзгу ишларни

амалга оширмасин, агар у ёлғон гапирса, унинг ҳамма амаллари зое кетиб, кучукларга тегишли бўлади, деб ҳисобланган. Кимки ёлғон гувоҳлик берса, у ялонғоч, соч-соқоли қиртишланган, садақа сўраган ҳолда, очлик ва чанқоқдан азият чекиб, душман уйига бориши кўзда тутилган. Суд муҳокамасида берилган саволга ёлғон жавоб берган одам, қоронғи дўзахга боши пастга ҳолда қулайди. Ўзи кўрмаган иш бўйича судда ёлғон кўрсатма берган киши, балиқни суяклари билан еган сўқирга ўхшатирилган [3, Б.282].

Ману қонунларида ёлғон гувоҳлик беришнинг оқибатлари ҳам баён этилади. Унда, ёлғон кўрсатма берган гувоҳнинг қанча қариндошлари ўлиши санаб ўтилган. Уй ҳайвонлари борасида низо кўриб чиқиладиган судда ёлғон гувоҳлик бериш бешта қариндошининг, низо объекти сигир бўлган судда ёлғон гувоҳлик ўнта қариндоши, низо объекти от ҳисобланган судда ёлғон гувоҳлик юзта қариндоши, инсонларга нисбатан ёлғон гувоҳлик бериш мингта қариндошининг ўлимига сабаб бўлади. Олтинга нисбатан ишда ёлғон гувоҳлик бериш туғилган ва туғилмаганларнинг ўлимига, ерга нисбатан ишда ёлғон гапириш барча тирик жонзотни ўлимига олиб келиши белгиланган. Худди шунингдек, сувга (қудуқ, қўл) нисбатан, аёллар билан алоқада бўлиш, сувда пайдо бўлган қимматбаҳо тошлар ва барча тошларга нисбатан ёлғон кўрсатма бериш, ерга нисбатан ёлғон гапириш деб ҳисобланган [3, Б.283].

Инсон эзгу ниятда ишни кўриб чиқишда ўзи билганидан бошқача сўзласа, у осмон ва дунёдан маҳрум бўлмайди. Бундай сўз илоҳий саналади. Агарда тўғри сўз натижасида шудрага, вайшъяга, кшатрийга ёки брахманга ўлим етадиган бўлса, нотўғри сўзлаш мумкин, бундай ёлғон ҳақиқатдан афзалдир [3, Б.284].

Ману қонунларида касаллиги туфайли гувоҳлик бера олмаслик ҳоллари, ёки гувоҳлик беришдан бош тортишда қўлланиладиган жавобгарлик чоралари кўзда тутилган. Агарда инсон соғлом ҳолида уч ярим ой давомида қарз, ёки шу каби бошқа ишларда кўрсатма бермаса, у шу қарз учун жавоб бериши ва даъвонинг ўндан бирини тўлаши лозим бўлган. Кўрсатма берган гувоҳ етти кун касал бўлса, уйда ёнғин чиқса ва қариндоши вафот этса қарзни тўлашга мажбур қилиниши ва жаримага тортилиши мумкин (ҳинд таълимотида бундай гувоҳ ёлғон кўрсатма берган деб ҳисобланади).

Иш юзасидан гувоҳлар бўлмаганида судьяга томонларни қасамёд қилдириш билан ҳақиқатга етиш тавсия этилган. Унга кўра, томонлар иш юзасидан гувоҳларни келтира олмасалар, судья уларнинг иккаласини ҳам қасам ичишга чақирган. Шу орқали ҳақиқат аниқланган. Ақлли одам ёлғондан қасам ичмайди, ёлғон қасам ичган киши шу ернинг ўзида вафот этади деб ишонилган. Бунда брахман ўзининг – ҳақиқатгўйлиги, кшатрий – жанг араваси ва қуроллари, вайшъя – сигирлари, олтин ва буғдойлари билан, шудрани – барча оғир жиноятлар билан қасам ичишга мажбур қилинган [3, Б.285-286].

Қадимги Ҳиндистонда ишни адолатли ҳал қилишда гувоҳлар бўлмаган, қасамёд ҳам ёрдам бермаган тақдирда илоҳий кучлар ёрдамида адолат ва ҳақиқатга эришиш мумкин деб ҳисобланган. Унга кўра, айбланувчи қўлига чўғни ушлаши, сувга пишинеши ёки аёллари ва болаларининг бошига қўл текизиши талаб қилинган. Кимни чўғ куйдирмаса, сув юзага чиқишга мажбур қилмаса, кимда тез орада бахтсизлик содир бўлмаса, у қасамёдда пок ҳисобланган.

Ману қонунларида инсоннинг алоҳида хислатлари, улар хоҳ ижобий, ёки хоҳ салбий бўлсин, кўрматмаларига таъсир қиладиган бўлса, бундай гувоҳнинг кўрсатмалари инobatга олинмаган. Жумладан, очкўзлик, ақлсизлик, кўрқув, дўстлик, севги, ғазаб, нодонлик ва эҳтиётсизлиги туфайли берилган кўрсатмалари ишнинг ҳал этилишида ҳисобга олинмаган.

Аксинча, инсоннинг хислатлари унинг кўрсатмаларига таъсир кўрсатганда, ёлғон кўрсатма берганлиги туфайли унга нисбатан жазо чоралари белгиланган. Унга кўра, очкўзлик туфайли ёлғон кўрсатма берган гувоҳ, минг пан (ўлчов бирлиги) жарима тўлаши, ақлсизлиги туфайли ёлғон кўрсатма берганга – паст жарима, кўрқув туфайли – икки баробар ўрта жарима, дўстлик туфайли – чорак қуйи жаримаси, севги туфайли – ўндан бир қуйи жарима, ғазаб туфайли – икки баробар олий, нодонлик туфайли – икки марта тўла юзлик (пан) ва эҳтиётсизлик туфайли – юз жарима тўлаши керак бўлган.

Адолатли ҳукмдор ёлгон гувоҳликда айбланган учта қуйи табақа вакиллари жаримага тортиши ва қувғин қилиши, брахманни эса – фақат қувғин қилиши лозим бўлган [3, Б.287].

Шундай қилиб, Ману қонунлари ўз даври учун мукамал одил судлов юритиш манбаи бўлиб, у ҳақиқатни қарор топишига, адолатнинг тикланиши, жамиятда барқарорлик, тинчлик, зулм ва зўравонликнинг олди олинишига хизмат қилган. Шу сабабли, қадимги диний-ҳуқуқий манбалар қаторида Ману қонунлари қоидаларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турган кўплаб муаммоларнинг ечимини топилишига қўмаклашади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Самаведа / пер. и ком. С.А. Матвеева. – М.: АСТ: Восток-Запад, 2005. –463 с.
2. Всемирная история: Век железа / А.Н.Бадак, И.Е.Войнич, Н.М.Волчек и др. –Мн: Харвест, 2003. –512 с.
3. Законы Ману. Манавадхармашастра. Перевод С.Д.Эльмановича проверенный и исправленный Г.И. Ильиным. –М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2002. –496 с.
4. Charles J. Naegle, JD, LL.M. History and Influence of Law Code of Manu. San Francisco, California. 2008. –264 p.
5. The Laws of Manu. Translated with extracts from seven commentaries by G.Buhler. Motilal Banarsidass/. Delhi. Varanasi. Patna. 1964. –620 p.
6. William Jones. Institutes of Hindu Law, Or, The Ordinances of Manu, According to the Gloss of Cullúca, Comprising the Indian System of Duties, Religious, and Civil. The Lawbook Exchange, Ltd., 2007 – 366 p.
7. Ghārpure J.R., Hindu Law Texts Ser/ Bombay, 1920. –276 p.
8. Ramamoorthy, R. (1974). The Concept of Punishment under Manu Smriti. Indian Philosophical Quarterly 2 (1):51-64.
9. Benoy Kumar Sarkar. The Hindu Theory of the State // Political Science Quarterly, Volume 36, Issue 1, March 1921, Pages 79–90, <https://doi.org/10.2307/2142662>
10. История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Изд. 2-е, стереотип. Под общ. Ред. члена-корреспондента РАН, доктора юридических наук, профессора В.С.Нерсисянца. – М.: Издательская группа НОРМА – ИНФРА. М, 1999. –736 с.
11. Демиденко Г.Г. История учений о праве и государстве: Курс лекций. – 2-е изд., переаб. И доп. – Харьков: Право, 2008. –432 с.
12. Hindu law. J. R. Gharpure, B.A., ll.b. (hons.) Varil, high court, Bombay. First edition, Bombat: Maruti Babaji, law-publisher. Girgaon, Bombay. 1905. –264 p.
13. Jaya Kundu. A survey of the Indian judiciary in the light of Manu Smriti & Brihaspati Smriti // International Journal of Sanskrit Research 2022; 8(2): –P.149-151.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

Старший преподаватель кафедры «Бизнес право»
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: askar.djumanov@gmail.com

ПЕРСПЕКТИВА ПРИМЕНЕНИЯ ДОГОВОРА ПРОСТОГО ТОВАРИЩЕСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ДЖУМАНОВ А.
Перспектива применения договора простого товарищества в Республике Узбекистан // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2024) С. 8-13.



3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3-2>

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена исследованию правовой природы и применения договора простого товарищества в Республике Узбекистан. Автор анализирует историческое развитие института простого товарищества, начиная с римского права, и его эволюцию в различных правовых системах, включая французскую и немецкую. Основное внимание уделено тому, как договор простого товарищества функционирует в современных условиях, и какие правовые и экономические преимущества он предоставляет для участников. Цель исследования заключается в оценке текущего состояния правового регулирования простого товарищества в Узбекистане и выявлении ключевых правовых проблем, связанных с его применением. В частности, рассматриваются вопросы правосубъектности, налогового учета и возможности участия иностранных лиц в простых товариществах. В результате исследования автор приходит к выводу о необходимости модернизации законодательства Узбекистана для улучшения правовой базы простых товариществ. Это включает в себя унификацию терминов, устранение пробелов в законодательстве и предоставление всем лицам права заключать договоры простого товарищества.

Ключевые слова: товарищество, простое товарищество, правосубъектность, юридическое лицо, инвестиции, капитал.

ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович

Тошкент давлат юридик университети
Бизнес ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: askar.djumanov@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДДИЙ ШИРКАТ ШАРТНОМАСИНИ ҚЎЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистон Республикасида оддий ширкат шартномасининг ҳуқуқий табиати ва қўлланилишига бағишланган. Муаллиф оддий ширкат институтининг ривожланиш тарихини, Рим ҳуқуқидан бошлаб, француз ва немис ҳуқуқ тизимлари каби турли ҳуқуқий тизимлардаги эволюциясини таҳлил қилади. Асосий эътибор замонавий шароитларда оддий ширкат шартномаси қандай фаолият кўрсатиши ва иштирокчиларга қандай ҳуқуқий ва иқтисодий афзалликлар беришига қаратилган. Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда оддий ширкатнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳолатини баҳолаш ва уни қўллаш билан боғлиқ асосий ҳуқуқий муаммоларни аниқлашдан иборат. Хусусан, ҳуқуқий шахс, солиқ ҳисоби ва хорижий шахсларнинг оддий ширкатда иштирок этиш имкониятлари масалалари кўриб чиқилади. Тадқиқот натижасида муаллиф оддий ширкатлар учун ҳуқуқий базани яхшилаш мақсадида Ўзбекистон қонунчилигини модернизация қилиш зарурлиги тўғрисида хулоса қилади. Бу терминларни бирхиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ва барча шахсларга оддий ширкат шартномаларини тузиш ҳуқуқини беришни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: ширкат, оддий ширкат, ҳуқуқий шахс, юридик шахс, инвестициялар, капитал.

DJUMANOV Askar

Senior lecturer at Tashkent State University of Law

E-mail: askar.djumanov@gmail.com

PERSPECTIVE OF APPLYING SIMPLE PARTNERSHIP AGREEMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article is devoted to the study of the legal nature and application of the simple partnership agreement in the Republic of Uzbekistan. The author analyzes the historical development of the simple partnership institution, starting from Roman law, and its evolution in various legal systems, including French and German. The main focus is on how the simple partnership agreement functions in modern conditions and what legal and economic advantages it provides to participants. The purpose of the study is to assess the current state of legal regulation of simple partnerships in Uzbekistan and identify key legal problems associated with its application. In particular, issues of legal personality, tax accounting, and the possibility of foreign participation in simple partnerships are considered. As a result of the study, the author concludes that it is necessary to modernize the legislation of Uzbekistan to improve the legal framework for simple partnerships. This includes the unification of terms, elimination of gaps in the legislation, and providing all individuals with the right to enter into simple partnership agreements.

Keywords: partnership, simple partnership, legal personality, legal entity, investment, capital.

Общее представление о правовой природе договора простого товарищества.

Перед изучением правовой природы договора простого товарищества важно отметить, что данный вид договора означает совместные действия лиц для достижения определенной цели.

Институт простого товарищества появился за долго до всех современных форм предпринимательской деятельности. В древности, когда отсутствовали регистрирующие

институты и организации по учету, все субъекты отношений (граждане) осуществляли хозяйственную деятельность на основании договора. К примеру, договор о совместном строительстве дома, ремонт помещения, совместное вложение денежных средств для приобретения товаров с целью его последующей продажи. В древнем Риме основным видом простого товарищества рассматривалась сначала семья [1, С.42-48]. В римском частном праве договор товарищества обозначается латинским термином *societas* [2, С. 158].

Простое товарищество было известно римскому частному праву еще со времен принятия Законов XII таблиц. Этот закон позволял членам коллегий (сообществ) заключать любые соглашения, при условии, что они не нарушают постановлений, касающихся общественного порядка [3, с. 13].

В классическом римском частном праве договор товарищества (*societas*) представлял собой консенсуальный двусторонний или многосторонний договор, который заключался на основе взаимного согласия товарищей (*socii*) с целью создания общего имущества для осуществления определенной деятельности и разделения дохода, полученного от этой деятельности, между всеми членами. Об этом свидетельствует фрагмент I титула II книги XVII Дигест Юстиниана: «При товариществе, объемлющем все имущество, все вещи, вступающие в товарищество, делаются немедленно общими» [4, С. 506].

В европейской системе права, принципы и идеи римского (пандектного) частного права имели сильное влияние. К примеру, Римское право стало использоваться в качестве «общего права» на территории Германской империи до принятия Германского гражданского уложения в 1896 году [5].

Официальное применение норм римского частного права к договорам товарищества во Франции началось в XVII веке. В 1673 году, с учетом международной торговой практики, был издан Королевский ордонанс о торговле, известный как Кодекс Савари, а в 1681 году - ордонанс о морской торговле. [6, С.677]. Эти акты устанавливали правовой статус купцов, порядок создания торговых товариществ, а также регулировали другие аспекты международной морской торговли, такие как векселя, банкротство и страхование.

Основные характеристики договора товарищества в английском праве соответствуют нормам римского частного права и правилам права средневековых стран, относящихся к романо-германской правовой системе. Резюмируя вышеизложенное, нужно дать определение простому товариществу, данный институт является сугубо договорным союзом для достижения определенной цели, включая извлечение прибыли.

Постепенно договорные отношения перестали отвечать требованиям времени, потому что количество людей в мире увеличивалось и соответственно гражданские правоотношения усложнялись. Более того, усиливается имущий класс, который не может осуществлять деятельность на базе сугубо договорных отношений. В тот момент, законодатели Европы решили создать на базе института простого товарищества субъекта предпринимательства с фирменным наименованием, чтобы в гражданском обороте их можно было идентифицировать, таким образом появляется институт «Хозяйственное товарищество» [7]. Данные изменения привели к обязательному внедрению регистрации фирменного наименования для товариществ в Германском гражданском кодексе в XIX веке [8].

Однако институт простого товарищества не был удален из гражданского оборота, лишь остался как договорный союз лиц, который направлен для достижения определенной цели. Сам термин простого товарищества появился в Швейцарии [9], учитывая, что правила простого товарищества просты и регулируются договором, авторы решили назвать его простым товариществом.

Различие простого товарищества от коммерческих организаций

Практически во всех правовых системах простое товарищество является договорным союзом, при котором не создается юридическое лицо. Следовательно, заключение договора простого товарищества не означает создание самостоятельной личности. В результате заключения договора простого товарищества, участники не обязуются

уплачивать налоги и вести бухгалтерский учет как юридические лица.

Данный механизм очень подходит для введения определенных краткосрочных проектов, венчурного фонда, инвестирования в недвижимость и другие. Простое товарищество является лучшим примером для изучения рынка, проверки своего местного партнера, изучения публичного регулирования. А. Тожибоев особо отмечает важность применения института простого товарищества в сфере развития стартапов [19]. В данном контексте считаем важно поддержать позицию А.Тожибоева и отметить, что простое товарищество является лучшим инструментом для временных проектов.

Во всех правовых системах внутренние отношения простого товарищества законодателем не регулируется детально по причине того, что все-таки является договором и стороны вольны в определении его содержания. В этом прослеживаются принципы простого товарищества, которые сохранились со времен римского частного права.

Различия в подходах определения правовой природы простого товарищества

В различных странах по-разному подошли к субъективному составу договора простого товарищества. В Европе, в частности во Франции, для защиты общества от недобросовестных предпринимателей решили внедрить институт торговца (merchant), однако данное требование допустимо только в отношении хозяйственных товариществ, а не простого товарищества [10]. Любой гражданин для ведения бизнеса должен встать на учет и получить статус торговца, это аналог узбекского индивидуального предпринимателя. Французская модель пришла к выводу, что простое товарищество заключается для некоммерческих целей. Тем не менее, инвестирование в недвижимость, профессиональная деятельность (юрист, медик, артисты, технические профессионалы) и капитальные вложения не являются торговыми операциями, соответственно доступны для осуществления на базе простого товарищества [11].

Более либеральную позицию занимает германская модель, которая не устанавливает строгие требования к предмету ведения бизнеса и субъективному составу. В Германии любые лица могут заключить договор простого товарищества. Данной же позиции придерживается и британская модель, которая вообще не разделяет на простое товарищество и полное товарищество [12]. В Германии участники простого товарищества уплачивают персональный налог, тем не менее установлены определенные требования в отношении торгового оборота простого товарищества. В случае же достижения оборота отметки в 500 000 евро, простое товарищество будет рассматриваться как полное товарищество независимо от осуществления регистрации и обязуется соблюдать бухгалтерское законодательство [13].

С 1 января 2024 года в Германии вступили в силу изменения в законодательство о простом товариществе в целях предотвращения отмыывания денег и выявлению бенефициаров бизнеса. Ведь, через институт простого товарищества, сложно выявить действительных собственников недвижимости или предприятия. В связи с этим, если стороны договора простого товарищества, которые приобретают недвижимость или акции (доли) в уставном фонде компании, и в целях защиты интересов сторон договора простого товарищества допускается регистрация прав на недвижимость или акции на само простое товарищество [14].

Как отмечает Najewski схожие проблемы в правоприменительной практике Германии еще особо сильно отразились в финансировании криминальных групп [20]. Важно поддержать данную позицию ученого и указать, что законодатель должен проводить более жесткую политику по принятию мер для выявления фактических доноров и выгодоприобретателей, которые применяют схему простого товарищества.

Национальная модель простого товарищества

Институт простого товарищества регулируется главой 53 Гражданского кодекса Республики Узбекистан. Важно отметить, что **простое товарищество** возникает на основе договора простого товарищества (договор о совместной деятельности). Данный договор должен быть составлен в письменной форме. В национальной модели простое

товарищество не может иметь правосубъектность, как например в Германии. Тем не менее, в отличие от французской модели, национальная модель разделяет товарищества на два основных вида: 1) с коммерческой целью; 2) с иной целью. В зависимости от выбора вида, меняются стороны договора. Сторонами договора без извлечения прибыли могут быть физическое и(или) юридическое лицо. Сторонами договора с извлечением прибыли (коммерческая деятельность) могут быть индивидуальные предприниматели и(или) коммерческие организации. Вкладами могут быть деньги, иное имущество, знания и другие, а собственность на общее имущество в простом товариществе долевая.

Основные правовые проблемы договора простого товарищества в финансовом и гражданском праве Узбекистана

Иностранные лица (нерезиденты) ограничены в правах по осуществлению деятельности в Узбекистане на основе договора простого товарищества. В настоящее время существуют только два основных метода внесения капитала в Узбекистан со стороны иностранных лиц: *инвестиционная деятельность: приобретение доли (акции) и другие, включая приобретение недвижимости или заём*. При этом простое товарищество сложно рассматривать как инвестиционную деятельность.

Положением о порядке осуществления отдельных валютных операций, связанных с движением капитала [15] не охватывается случай заключения договора и внесения вклада в простое товарищество иностранными лицами.

Причиной данной практической проблемы, с нашей точки зрения, являются пробелы в гражданском праве, которые ограничивают субъективный состав участников простого товарищества (предпринимательское простое товарищество). Гражданский кодекс Республики Узбекистан указывает, что только индивидуальный предприниматель и коммерческие организации могут быть участниками простого товарищества. Данное обстоятельство говорит, что простое товарищество в Узбекистане возможно только во внутреннем гражданском обороте так как применяются только организационно-правовые формы, которые определены в Гражданском кодексе Республики Узбекистан.

Важно отметить, что регулирование в части 1 статьи 962 Гражданского кодекса относительно понятий как «...для извлечения прибыли...» и «...для осуществления предпринимательской деятельности...» не ясны для понимания. Данное обстоятельство вызывает необходимость в унификации терминов и правил.

В настоящее время, из-за ограничения субъективного состава и неясности в определении содержания простого товарищества, институт простого товарищества не показывает явных результатов.

Предоставление всем лицам (физическое лицо и юридическое лицо) заключать договор простого товарищества не порождает проблем с доктриной предпринимательской деятельности. Согласно пункту 3 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан [16] установлено, что судам следует иметь в виду, что для признания какой-либо деятельности лица в качестве предпринимательской обязательно наличие двух обстоятельств — системность совершаемых действий, направленных на получение прибыли, и осуществление такой деятельности в качестве основной, т.е. профессиональной. ***По сути, законодатель не запрещает осуществлению деятельности, целью которого является извлечение прибыли, в рамках предпринимательского простого товарищества физическими лицами при соблюдении определенных условий.***

Предоставление всем лицам права осуществления совместной деятельности в рамках простого товарищества, по нашему убеждению, не должно вызвать проблемы с санкциями за незаконную предпринимательскую деятельность. При расчетах с населением, продажи товаров и соблюдении лицензионных требований, лица не выберут структуру простого товарищества, так как не позволит им осуществлять определенные торговые операции с учетом публичных требований.

Важно отметить, что в проекте Гражданского кодекса Республики Узбекистан предлагается исключить квалифицирующие требования к субъективному составу

договора простого товарищества. Более того договор простого товарищества не имеет правосубъектность, соответственно не идентифицирован в гражданском обороте.

Важно отметить, что во внутренней практике, позиция судебной системы также неоднозначна. По мнению суда, любое простое товарищество, целью которой является извлечение прибыли нужно рассматривать как коммерческое простое товарищество [17]. Соответственно физическое лицо не может заключить договор простого товарищества для извлечения прибыли. Согласно данным Государственного налогового комитета Узбекистана отсутствует информация о заключенных договорах простого товарищества с нерезидентами [18]. По нашему убеждению, либерализация института простого товарищества даст большой импульс в развитии предпринимательства в стране, при этом важно учесть возможные риски, связанные со скрытостью данных отношений.

Заключение. Договор просто товарищество сыграл главную роль в развитии предпринимательской деятельности и формирования сложных корпоративных структур. Простота и диспозитивность регулирования совместной деятельности партнеров сделали институт простого товарищества важным правовым механизмом. По нашему убеждению, для привлечения иностранных инвестиций, денежных средств, навыков и специалистов из зарубежных стран, национальное законодательство должно реанимировать договор простого товарищества на основе передового опыта зарубежных правовых систем.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Джуманов А.Х. Правовая природа хозяйственного товарищества в Узбекистане // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) С. 42-48.
2. Ермолович, В. И. (2016). Договор товарищества в праве Древнего Рима и стран средневековой Европы (сравнительный анализ). В: В. Н. Бибило (Ред.), Право и демократия: сборник научных трудов (Вып. 27, стр. 158-171). Минск: БГУ. URL: <https://elib.bsu.by/handle/123456789/169566>.
3. Памятники римского права: Законы XII таблиц. Институции Гая. Дигесты Юстиниана. М.: Зерцало, 1997.
4. Дигесты Юстиниана: в 7 т. : пер. с лат. / отв. ред. Л. Л. Кофанов. М.: Статут, 2002–2005. Т. 3: Книги XII–XIX. 2003.
5. Reinhard Zimmermann “The German Civil Code and the Development of Private Law in Germany” (2006) Oxford U Comparative L Forum 1. URL: <https://ouclf.law.ox.ac.uk/the-german-civil-code-and-the-development-of-private-law-in-germany>.
6. Rigaudière A. Histoire du droit et des institutions dans la France médiévale et modern. 4-e ed. Paris: Economica, 2010.
7. К. Малышев. Исторический очерк конкурсного процесса. СПб. 1871. С. 63.
8. Германское гражданское уложение. URL: https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_hgb/englisch_hgb.pdf.
9. Швейцарский гражданский кодекс от 1907 года. URL: https://www.fedlex.admin.ch/eli/cc/24/233_245_233/en.
10. Civil code of France. URL: https://www.legifrance.gouv.fr/codes/texte_lc/LEGITEXT000006070721.
11. Gutteridge, H.C., & Megrah, M. (2003). The Law of Partnership in France. Oxford University Press.
12. Partnership Act 1890. URL: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/Vict/53-54/39/contents>.
13. Korn, N. (2018). German Tax Guide. Oxford University Press.
14. Официальный веб страница базы данных германского законодательства. URL: <https://www.gesetze-im-internet.de/>.
15. Положение о порядке осуществления отдельных валютных операций, связанных с движением капитала (Приложение к Постановлению правления ЦБ от 23.11.2013 г. N 22/2, зарегистрированному МЮ 17.12.2013 г. N 2536).

16. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О некоторых вопросах судебной практики по делам, связанным с предпринимательской деятельностью» от 11.12.2013 г. № 20.

17. Постановление апелляционной инстанции Судебной коллегии по экономическим делам Ташкентского городского суда, от 08.08.2023 г. № 4-1001-2207/68295. URL: <http://lex.uz/ru/docs/6584675>.

18. Письмо Государственного налогового комитета Республики Узбекистан №20/8-17224 от 21.02.2024.

19. Тожибоев А. Гражданско-правовой статус дехканских хозяйств: Автореф. ...канд. Юрид. Наук. –Т., 1997. - С. 14.

20. Majewski, K. (2020). Civil-Law Partnership in the System of Counteracting Money Laundering and Terrorism Financing (AML/CFT). Bratislava Law Review, 4(1), 167-176. <https://doi.org/10.46282/blr.2020.4.1.174>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА

LAWYER HERALD

ОКЮЛОВ Омонбой

Тошкент давлат юридик университети
“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ ДУНЁ БОЗОРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАКОНИ СИФАТИДА

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ОКЮЛОВ О. Жаҳон савдо ташкилоти дунё бозорининг иқтисодий-ҳуқуқий макони сифатида // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2024) Б. 22-33.



3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3-3>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасини Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) га аъзо бўлиши билан боғлиқ ташкилий ҳуқуқий тадбирлар таҳлил этилади. ЖСТ иқтисодий ҳуқуқий макон сифатида дунё бозори тимсоли эканлиги ва шу жиҳатдан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар таъсири доминант бўлиши айтилганда бу ҳолат давлат суверинитети ва давлат юрисдикцияси таъсир кучига путур етказмаслиги баён қилинади. ЖСТга аъзо бўлишнинг муҳим шарти ТРИПС битимга қўшилиш ҳисобланади. Ушбу битим савдо соҳасида интеллектуал ҳуқуқларга қатъий риоя қилиш тизимини белгилайди. Муаллиф мамлакат қонунларини ТРИПС битими билан уйғунлаштиришни мувофақиятли амалга оширилаётганлигини қайд этиши билан бирга бу соҳада муайян даражада минимал талабларга эмас, максимал талабларга йўналиш олинган ҳолатларни танқидий таҳлил қилади. Ўзбекистон Республикасининг ТРИПС битимига қўшилишини писандалар қўллаш, музокараларга киришишда балласт шартлар технологиясига ва уларни захиралаш методологиясига алоҳида эътибор қаратади. Айтилган вақтда ЖСТга қўшилишда техник тартибга солиш механизминини, уни ҳуқуқий тартибга солишдан фарқларини, махсулот сифатини аниқлашдаги аҳамиятини очиқ беради.

Калит сўзлар: ЖСТ, ТРИПС битими, техник тартибга солиш, мутлақ ҳуқуқлар, лицензия шартномалари, параллел импорт, балласт шартлар, маданий қароқчилик, мувофиқлик сертификати, аккредитация.

ОКЮЛОВ Омонбой

Профессор кафедры Гражданского права
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор юридических наук, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

ВСЕМИРНАЯ ТОРГОВАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ КАК ЭКОНОМИКО-ПРАВОВОЕ ПРОСТРАНСТВО МИРОВОГО РЫНКА

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье анализируются организационно-правовые меры, связанные со вступлением Республики Узбекистан в ВТО. Констатируется, что ВТО как экономико-правовое пространство является символом мирового рынка, и в этом отношении влияние гражданских правоотношений является доминирующим, при этом данная ситуация не подрывает силу государственного суверенитета и государственной юрисдикции. Присоединение к соглашению ТРИПС является важным условием членства в ВТО. Данное соглашение устанавливает систему строгого соблюдения интеллектуальных прав в сфере торговли. Автор отмечает, что гармонизация законодательства страны с соглашением ТРИПС успешно реализуется, и критически анализирует случаи, когда в определенной степени принимается направление максимальных требований, а не минимальных требований в этой сфере. При реализации предложений по присоединению Республики Узбекистан к соглашению ТРИПС особое внимание уделяется технологии балластных условий и методологии их резервирования при вступлении в переговоры. При этом раскрывается механизм технического регулирования, его отличия от правового регулирования, а также его значение в определении качества продукции при вступлении в ВТО.

Ключевые слова: ВТО, соглашения ТРИПС, техническое регулирование, исключительные права, лицензионные соглашения, параллельный импорт, балластные условия, пиратство, сертификат соответствия, аккредитация.

OQYULOV Omonboy

Professor at Tashkent State University of Law,
Doctor of Law Sciences, Professor,
Honored Lawyer of the Republic of Uzbekistan

THE WORLD TRADE ORGANIZATION AS AN ECONOMICS AND LEGAL SPACE OF A SINGLE WORLD MARKET

ANNOTATION

This scientific article examines the effectiveness of organizational and legal measures that should ensure the membership of the Republic of Uzbekistan in the WTO. It is argued that the WTO as an economic legal space personifies a single world market and that is why the civil law impact on it should be dominant. However, these circumstances in no way weaken the basis of state sovereignty and state jurisdiction. The most important condition for WTO membership is our country's accession to the TRIPS agreement. This agreement is defined by a system of strict enforcement of intellectual rights in the field of trade. The author, noting the successful implementation of the harmonization of the legislation of the Republic of Uzbekistan under the TRIPS agreement, critically comprehends the trends, orientations in this area, not the minimum, but the maximum requirements. Attention is focused on the use of reservations when acceding to the TRIPS agreement. At the initial stage of the negotiation processes, it is important to have ballast technologies and their successful use to achieve consensus. It also reveals the essence of the mechanism of technical regulation, its relationship with legal regulation, as well as its importance for ensuring the proper quality of goods, works and services.

Keywords: WTO, TRIPS agreements, technical regulation, exclusive rights, licensing agreements, parallel imports, ballast conditions, piracy, certificate of compliance, accreditation.

Бугунги кунда бутун дунёда ўзига хос глобаллашув жараёни кетмоқда. Иқтисодий маънода айтиш мумкинки, яхлит жаҳон бозори конфигурациялари яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлишга ҳаракат қилмоқда. Яхлит дунё бозори Жаҳон савдо ташкилоти тимсолида ўзининг муайян

шакли шамоийилига эга деб айтиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 июн 2023 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ПҚ 181-сонли қарорида мамлакатимизни Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш ва сифатли амалга оширишини таъминлаш мақсадида жиддий чора тадбирлар тизими белгилаб қўйилди. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, гарчи расмий ҳужжатларда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ибораси қўлланилаётган бўлса ҳам, аслида Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти иборасини қўллаш ўринли бўлур эди чунки, одатда “Всемирный” ибораси жуда кўп расмий ҳужжатларда Бутунжаҳон, Умумжаҳон ибораси орқали ифодаланган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси (Баённомаси). Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти унинг аъзоси бўлган барча мамлакатларни яхлит иқтисодий ҳуқуқий макон сифатида, майдон сифатида қамраб олган тузилма ҳисобланади. Жаҳон Савдо Ташкилоти ибораси эса кўпроқ мантиқан олганда дунё миқёсида фаолият юритувчи, бироқ мамлакатларни ҳуқуқий иқтисодий майдонга бирлаштириш функцияларини бажармайдиган тузилма сифатида талқин этилиши мумкин. Шу сабабли ҳам Жаҳон савдо ташкилоти абриватураси Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти абриватураси билан алмаштирилиши ўринли бўлур эди.

Бутунжаҳон савдо ташкилоти ўзига хос яхлит иқтисодий ҳуқуқий майдон, макон сифатида талқин этилиши, унга аъзо мамлакатлар давлат суверинитети ва давлат юрисдикцияси таъсир кучини асло камайтирмайди ёки заифлаштирмайди. Ҳар бир мамлакат мустақил суверен давлат, унинг ҳудуди бўйича унинг қонунлари амал қилади. Бироқ, ушбу ҳуқуқий майдон ҳам турлича кўринишларда намоён бўлади. Оммавий ҳуқуқий майдонда давлат суверенитети ва давлат юрисдикцияси тўлақонли равишда амал қилади. Ҳеч бир мамлакат ўз давлат ҳокимиятини ташкил этишни, амалга оширишни умумжаҳон миқёсидаги тузилмалар ҳуқуқий ҳужжатлари орқали амалга оширмайди. Бироқ, иқтисодий, илмий, маданий соҳалар бўйича ҳуқуқий майдон дунё миқёсида бирхиллаштирилиши ҳар бир мамлакат манфаатлари учун ҳам, умумдунё миқёсидаги глобал манфаатларга ҳам мос келади. Бежизга Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини бошдан кечирган барча мамлакатларда ўз қонунларини Бутунжаҳон савдо ташкилоти ҳужжатларига уйғунлаштириш жараёни тартиб таомиллари сифатида талқин этилмаган.

Бутунжаҳон савдо ташкилотининг асосий ҳужжатларидан бири бўлиб ТРИПС битими ҳисобланади. У савдо соҳасида интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқлар тўғрисида битим маъносини англатади. Битим VII бўлим, 73-моддадан иборат. ТРИПС битими кириш, 1-қисм умумий қоидалар ва асосий тамойиллар, 2-қисм интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқларнинг мавжудлиги, ҳажми ва фойдаланишга доир нормалар тўғрисида, 3-қисм интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқларга риоя қилинишини таъминлаш, 4-қисм интеллектуал мулк бўйича ҳуқуқларни олиш ва амал қилишини сақлаш ва бу билан боғлиқ *inter partes* таомиллари, 5-қисм низоларни олдини олиш ва ҳал қилиш, 6-қисм ўтиш даври келишувлари, 7-қисм институтционал тадбирлар, яқунловчи қоидалардан иборат тизимда ёритилган. ТРИПС битимида умумий қоидалар билан бир қаторда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар, товар белгилари, географик кўрсаткичлар, патентлар, топология (топография) интеграл микросхемалари, ёпиқ ахборотларни ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида урғу берилган. ТРИПС битимида айни пайтда интеллектуал мулкнинг алоҳида объектларни ҳуқуқий муҳофазасини белгиловчи, саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси, адабий, бадий асарларни ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенцияси, фонограммалар бўйича Рим конвенцияси, интеграл микросхемаларга нисбатан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тўғрисида шартнома нормаларига риоя қилиш алоҳида таъкидланади.

Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, унинг чиқувчи матни ҳам ва объект коди ҳам Берн конвенциясига мувофиқ адабий асар сифатида ҳуқуқий муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган. ТРИПС битимининг 6-моддасида интеллектуал мулкка

нисбатан мутлақ ҳуқуқлар тугашига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра низоларни ҳал қилиш мақсадида ТРИПС битими 3-моддасидаги миллий режим, 4-моддасидаги энг қулай режим ва ушбу битимни ҳеч қайси нормаси интеллектуал мулк ҳуқуқини тугаши бўйича масалани ҳал қилинишида фойдаланиши мумкин эмас.

ТРИПС битимининг асосий принциплари сифатида ТРИПС битимининг аъзолари ўз қонунларини ишлаб чиқиш ва ўзгартиришда аҳолини сихат саломатлигини ва овқатланишини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ва ижтимоий иқтисодий ва техник ривожланиш соҳаларида муҳим ҳаётӣ, ижтимоий манфаатларга ёрдам бериш мақсадида чоралар қабул қилиши мумкин. Бироқ ушбу чоралар ТРИПС битими қоидаларига мувофиқ бўлиши талаб этилади. ТРИПС битими қоидаларига мувофиқ бўлиши шарти асосида тегишли чоралар интеллектуал мулк эгалари томонидан ҳуқуқларни суистеъмол қилишни олдини олиш учун зарур бўлиши ёки технологияларни халқаро узатишга ноқулайликлар вужудга келтириши ёки савдони асоссиз равишда чеклаш амалиётига қарши қаратилган бўлиши талаб этилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ТРИПС битимини илмий таҳлил этиш бўйича муайян илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, А.А.Собелева (Соглашения под торговым аспектам прав интеллектуальной собственности), А.И.Абдулин (Правовая охрана интеллектуальной собственности и роль международных организации в ее развитии (на примеры ООН и ее специализированных учреждений), В.М.Шумилов (Соглашения под торговым аспекты прав интеллектуальной собственности (ТРИПС): влияние на сферы образование в мире в света предстоящего выступления России и ВТО). Л.В.Шербачева (Защита интеллектуальных прав членами Всемирными Торговой Организации). А.А.Карцхия (Российские правообладатели в условиях ВТО). И.В.Зенкин (ПравоВсемирнойТорговойОрганизации)кабилмийтадқиқотларниамалгаоширишган. Айни пайтда мамлакатимизда М.Нажмиддинов (ТРИПС битими Ўзбекистон қонунчилиги доирасида географик кўрсаткичлар муҳофазаси). Е.Каниязов (Географические указание – новый эффективный инструмент социальный экономический развития регионов), Ш.Алмасова (ТРИПС битими нормаларини Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк қонунчилигига имплантация қилиш муаммолари), А.Юлдошев (Географик кўрсаткич тушунчаси ва иқтисодиётни мустаҳкамлашда тутган ўрни) каби илмий ишланмалар амалга оширилган. Шунингдек, ТРИПС битими бўйича профессор Б.Тошев, ушбу сатрлар муаллифи, профессор Н.Имомов, профессор С.Ғуломовлар томонидан ҳам муайян тадқиқотлар амалга оширилган [1].

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг БСТга аъзо бўлиши бўйича реал ҳаракатлар 2017 йилдан кейин бошланганини эътироф этимоқ лозим. Шу пайтдан бошлаб бу соҳада музокаралар жонланди. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси қонунларини ТРИПС битимига мослаштириш бўйича йўл хариталари ишлаб чиқилди, эксперт гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу соҳада дастлабки қадамлардан бири сифатида ЎРҚ 709-сонли 2021 йил 21 августда қабул қилинган қонунни мисол сифатида кўрсатилади. Бунга кўра Фуқаролик Кодексининг 1065-моддаси Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги Қонунга ўзгартиришлар киритилди ва муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин 70 йил давомида амал қилади деб кўрсатилди. Аниқлик нуқтаи назаридан шуни таъкидлаш ўринлики, гап бу ўринда муаллифни асарларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддати тўғрисида кетмоқда. Муаллифлик ҳуқуқи кенг маънода илмий бадий асарларга нисбатан ҳуқуқлар мажмуасини англатади. Тор маънода муаллифлик ҳуқуқи муаллифни ўз асарига нисбатан бўлган мулкӣ ва шахсий ҳуқуқлар мажмуаси сифатида талқин этилади. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, ТРИПС битими мазмунидан фан, адабиёт, санъат асарларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни амал қилиш муддатини ўша пайтда амалда бўлган 50 йилдан 70 йилга узайтириш зарурий шарт сифатида белгиланмаган. Агарда ТРИПС битими бу соҳада Берн конвенцияси стандартларини асос қилиб олган бўлса 50 йиллик муддат Берн конвенцияси талаблари бўйича энг минимал

муддат талабига жавоб беради. Лекин экспертлар гурухи важларига кўра, Европанинг кўп мамлакатларида 70 йил ва ундан кўпроқ муддатлар белгиланганлиги, бу ўзига хос Евростандарт бўлиб қолганлиги ва агар Евростандарт Ўзбекистон қонунига киритилса Европа давлатларининг Ўзбекистонни БСТга аъзо бўлиш соҳасида хайрихоҳликларига сабаб бўлиши кўрсатилди. Бу важлар қай даражада ўринли эканлиги тўғрисида чуқур мулоҳаза юритиш махсус тадқиқотларни талаб этади. Лекин оддий мантиқан фикр юритганда ҳам шуни айтиш мумкинки, ушбу киритилган ўзгаришлар иқтисодий жиҳатдан олганда мамлакатимиз манфаатларига жавоб бериши муайян шубҳа туғдиради. Агар шоу бизнес соҳасида етакчи индустрия АҚШ ва Европа эканлигини ҳисобга олсак бу ҳолда мамлакатимизда Ғарбда тайёрланган фан, адабиёт, санъат асарларига нисбатан Ўзбекистонлик фойдаланувчилар зиммасига яна 20 йил қўшимча тўлов тўлаш мажбурияти юкланганини пайқаш мумкин. Тўғри, Ўзбекистонлик ҳуқуқ эгалари учун ҳам худди шундай муддат амал қилади. Бироқ, Европа ҳуқуқ эгаларига тўланадиган тўлов билан Ўзбекистонлик ҳуқуқ эгаларига Европалик фойдаланувчилар томонидан тўланадиган тўловлар нисбати қандай эканлигини фарқлашучун мутахассис бўлиш шарт эмас.

2022 йил 3 мартда ЎРҚ 757-сонли географик кўрсаткичлар тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Товарни муайян географик объект ҳудудидан келиб чиққан товар сифатида идентификацияловчи белги географик кўрсаткич деб эътироф этилиб, унда товарнинг сифати, ном қозонганлиги ёки бошқа хусусиятлари (бундан буён матнда товарнинг хусусиятлари деб юритилади) унинг географик жиҳатдан келиб чиқишига сезиларли даражада боғлиқ бўлади. Мазкур географик объект ҳудудида товарни ишлаб чиқаришнинг товарнинг хусусиятларини шакллантиришга жиддий таъсир кўрсатадиган босқичларидан лоақал биттаси амалга оширилиши керак.

Географик кўрсаткичларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш уни Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Чет эл географик кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофаза қилиш фақат тегишли белги ўзи келиб чиққан мамлакатда муҳофаза қилинган тақдирдагина амалга оширилади.

Агар географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказган шахс муайян сифати, ном қозонганлиги ёки бошқа хусусиятлари сезиларли даражада унинг географик келиб чиқишига боғлиқ бўлган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, мазкур шахс ушбу географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқини олади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ушбу қонун қабул қилиниши билан берган баёнотида хусусан қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёга очилмоқда, туризм салоҳияти кенгаймоқда ва республикаимизнинг ҳар бир ҳудудининг ўзига хос табиати ва анъаналари мавжуд бўлиб, уларни жаҳон миқёсида машхурликка эришишида албатта ҳудудий брендларни ривожлантириш ва уни шу ҳудуд билан боғлиқлигини кўрсатишда интеллектуал мулк объектларнинг бир тури бўлган географик кўрсаткичларнинг ўрни беқиёс ҳисобланади.

Географик кўрсаткичлар халқаро амалиётда кенг тарқалган бўлиб, хусусан, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар иштирок этувчи 1994 йилда имзоланган Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича битимда (ТРИПС) ҳам ўз аксини топган. 2015 йили қабул қилинган келиб чиққан жой номи ва географик кўрсаткичлар тўғрисидаги Лиссабон битимнинг Женева акти эса ушбу муносабатларни тартибга солувчи махсус халқаро шартномалардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Европа Иттифоқига кирувчи давлатларда 3000 дан ортиқ, Россия Федерациясида 230 дан ортиқ географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиққан жой номлари рўйхатдан ўтказилган. Бундан ташқари, Испанияда биргина гўшт бўйича 16 та географик кўрсаткич, Грузияда эса вино бўйича 20 га яқин географик кўрсаткичлар рўйхатдан ўтказилган.

Чет элдаги географик кўрсаткичларга мисол қилиб “Switzerland” ёки “Swiss” (соатлар), “Feta” (пишлоқ), “Gorgonzola” (пишлоқ), “Mozarella di Bufala” (пишлоқ), “Gouda Holland” (пишлоқ), “Vodka of Finland” (ароқ), “Irish Whiskey” (виски), “Scotch Whisky” (виски), “Champagne” (вино), “Кубанский картофель”, “Тульский самовар” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизда ҳозирги кунга қадар 5 та шундай интеллектуал мулк объектлари Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган, шу жумладан “Зомин тандир гўшти”, “Марғилон адраси”, “Марғилон атласи”, “Қўқон пичоқлари” ва “Ғиждувон шашлик”.

Шу ўринда маҳаллий тадбиркорлик субъектлар географик кўрсаткич билан белгиланган махсулотларни ишлаб чиқаришни муваффақиятли ривожлантириши мумкин. Сабаби Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида географик кўрсаткичлар сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин бўлган ноёб махсулотлар мавжуд. “Чуст пичоғи”, “Бухоро гилами”, “Бахмал олмаси”, “Мирзачўл қовуни”, “Самарқанд нони”, “Қашқадарё тандир гўшти”, “Паркент узуми”, “Қўқон гилоси” ва шу каби товарлар Ўзбекистондан ташқарида ҳам илгаридан машҳур ҳамда истеъмолчилар ушбу товарларнинг сифати ва ном қозонганлиги учун жуда қадрлайди.

Эътибор қаратиш жоизки, географик кўрсаткичлар товар белгиларидан кескин фарқ қилади. Хусусан, товар белгисида истеъмолчилар махсулот ишлаб чиқарувчини уларнинг товар белгиси орқали таниб олади ва товар белгиси уни тасарруф этиш учун бир шахсга, баъзида жамоавий келишган ҳолда бир нечта шахсларга тегишли бўлади. Бунда товар белгиси шартнома ёки лицензия шартномаси асосида ўзга шахсларга берилиши мумкин.

Географик кўрсаткичда эса аксинча, у аниқ бир шахсга тегишли бўлмасдан ундан фойдаланиш ҳуқуқи худди шу географик объектда жойлашган (Фуқаролик кодексининг 46-моддасига мувофиқ) юридик шахснинг жойлашган ери у давлат рўйхатидан ўтказилган жой) ва худди шундай хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқараётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин. Бунда географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўз ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга йўл қўйилмайди.

Географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказиш учун қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига муайян географик объектда жойлашган ва ушбу объектнинг номидан ўзи ишлаб чиқараётган товарни белгилаш учун фойдаланаётган бир неча юридик ёки жисмоний шахс талабнома топширишлари мумкин.

Шунингдек, юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг манфаатларини ифодаловчи нодавлат нотижорат ташкилотлар (масалан Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси ва ҳ.к.) ва тегишли географик объект жойлашган ҳудуддаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи томонидан ҳам географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказиш учун талабнома беришлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган географик кўрсаткичдан фойдаланишни истаган тадбиркорлик субъекти белгиланган тартибда (Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Маъмурий регламент) Адлия вазирлигига талабнома топширишлари мумкин. Албатта бунда тадбиркорлик субъекти ушбу географик объектда жойлашган ва тегишли товарни ишлаб чиқараётган бўлиши лозим.

Талабнома Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади ва натижаси бўйича географик кўрсаткичдан фойдаланиш бўйича гувоҳнома берилади ҳамда гувоҳноманинг амал қилиш муддати унинг эгаси томонидан берилган аризага кўра ҳар сафар 10 йилга узайтирилиши мумкин.

Гувоҳноманинг эгаси географик кўрсаткичдан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай усулда фойдаланишга ҳақли. Масалан, ишлаб чиқаришда, сотишда, кўргазмаларда, экспорт қилишда, рекламаларда, тегишли ҳужжатларда қўлланилади. Бунда географик кўрсаткич билан бир қаторда айлана ичига олинган, лотин алифбосидаги “GI” ҳарфлари тарзидаги огоҳлантирувчи тамға қўйилиши мумкин бўлиб, у товарда ёки унинг ўровида қўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткич эканлигини билдиради.

Географик кўрсаткичдан қонунга хилоф равишда фойдаланилган ёки у билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгилардан фойдаланилган товарлар, товарларнинг ёрлиқлари, ўровлари контрафакт ҳисобланади ва қонунда белгиланган тартибда жавобгарлик келтириб чиқаради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, географик кўрсаткичлар ваколатли давлат органлари, шу жумладан адлия органлари томонидан интеллектуал мулк объектининг бошқа турлари (товар белгиси, ихтиро, селекция ютуғи, муаллифлик ҳуқуқи ва б.) билан тенг равишда ҳуқуқий ҳимоя қилинади.

Географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказишни хоҳловчи ишлаб чиқарувчилар сони кўпайиши минтақавий брендларни ривожлантиришга хизмат қилади ва ишлаб чиқарувчилар географик кўрсаткич билан ҳимояланадиган қўшимча қийматга эга ўз махсулотини сотишдан катта фойдага эга бўлади.

Шунингдек, ҳудудларга туристик оқимининг кўпайишига, “гастрономик туризм”ни ривожлантиришга ва умуман, ҳудудларнинг туристик жозибадорлигини оширишга ёрдам беради [2].

ТРИПС битимининг муҳим талабларидан бири бўлиб интеллектуал мулк эгаси ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик чорасининг муқаррарлиги ҳисобланади. Лекин афсуски мамлакатимизда бу соҳада жиддий ижобий ютуқлар мавжуд деб айтиш қийин. Одатда бундай ҳолатларда суд етказилган зарарни ундириш, ёхуд ҳуқуқбузарлик натижасида олинган даромадни ҳуқуқ эгасига олиб бериш, шунингдек, маънавий зиён етган бўлса маънавий зиённи ундириши лозим. Лекин амалиётда етказилган зарарни ҳисоблашни аниқ методологияси мавжуд эмас. Чунки бу соҳада ҳуқуқбузар қанча даромад олганлигини аниқлаш ҳам қийин. Шу сабабли ҳам энг аввал электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумот базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда ва кейинчалик муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонуннинг 65-моддасида компенсация ундириш чоралари белгилаб қўйилди. Айниқса бу чора Юлдуз Усмоновага нисбатан Мирзо Улуғбек туманлараро суди томонидан қўллангандан кейин ушбу чоранинг самарадорлиги бўйича муайян ижтимоий фикр пайдо бўлди ва ниҳоят ушбу чора ФКнинг 1090-моддасида саноат мулки патентига нисбатан белгилаб қўйилди ва товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари бўйича ҳуқуқбузарликлари учун ҳам компенсация жавобгарлик чораларини белгилаш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда. Албатта, суд амалиётида зарарни ундириш ёки олинган даромадни олиб бериш нисбатан қийин жараён ҳисобланади. Компенсация чорасини қўллашда эса суд минимал ва максимал миқдор ўртасида муайян ҳажмдаги кўрсаткични белгилашга ҳақли. Бунда суд хал қилув қарори устидан шикоят берилган тақдирда ҳам уни бекор қилиш эҳтимоли жуда кам. Бироқ компенсация чораси ҳуқуқбузарлик узоқ, давомли муддатда рўй берганда ўзини оқлайди. Қисқа эпизодик ҳолатларда ҳам компенсация чораларини қўллаш суд қарорларини адолатлилиги мезонларига тўғри келади деб айтиш қийин. Компенсация чораларини ягона жавобгарлик чораси сифатида белгилаб қўйилиши ТРИПС битимининг талаби эмас. ТРИПС битимининг талаби жавобгарликнинг муқаррарлигидадир. Компенсация чоралари жавобгарлик чораларини муқаррарлигини муайян маънода таъминлай олади, чунки, у судлар учун қулай ва муқобили бўлмаган жавобгарлик чораси ҳисобланади. Хозирча бу чора ТРИПС битимида риоя қилиниши таъминловчи ўзига хос юридик восита сифатида танлаб олинди. Бироқ келгусида уни самарадорлигини, адолатлилигини чуқур таҳлил этиш ва бу асосда зарарни ундириш, олинган фойдани, даромадни ҳуқуқ эгасига олиб бериш каби муқобил чораларни қайта тиклаш ўринли бўлур эди.

2024 йил 15 февралда ЎРҚ 908-сонли Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигининг Бутунжаҳон савдо ташкилоти битимлари билан уйғунлаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг айрим норматив ҳуқуқий ҳужжатларига қўшимчалар ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қонуни қабул қилинди.

БСТ бош келишуви талабларига мувофиқ хорижий инвестиция корхоналари ва маҳаллий корхоналар учун давлат рўйхатидан ўтказганлик учун бож миқдори бир хил

қилиб белгиланди. Илгари бундай бож миқдори хорижий корхоналар учун оширилган суммаларда белгиланган эди.

Шунингдек, миллий интеллектуал мулк тизимини ЖСТнинг Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги битими талабларига уйғунлаштириш мақсадида:

- ҳукумат томонидан патент эгасининг рухсатисиз ундан фойдаланишга рухсат бериш мумкин бўлган аниқ ҳолатлар ҳамда уларга товон пули тўланишини белгилаб бериш;

- ўзга шахсга тегишли саноат мулки объектдан (патентдан) жамоат манфаатлари учун мажбурий лицензия асосида фойдаланиш ҳуқуқини олиш ва бундай фойдаланганлик учун патент эгасига мутаносиб миқдорда товон пулини тўланишига оид алоҳида нормаларни киритиш;

- патентланган усулдан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган низоларда исботлаш мажбуриятини аниқлаштириш;

- инсофсиз рақобат оқибатида рўйхатга олинган товар белгиларини бекор қилиш бўйича даъво муддатини бекор қилиш;

- маҳаллий ва хорижий талабнома топширувчиларга интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказишда бир хил имконият яратиш, хусусан, патент божи миқдорларини норезидентлар ва резидентлар учун бирхиллаштириш, шунингдек, мазкур янги ставкаларни жисмоний ва юридик шахслар кесимида белгилаш;

- ихтиро ва фойдали моделларни давлат рўйхатидан ўтказишда II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга белгиланган патент божининг 90 фоизи, таълим олувчи шахсларга, илмий ва илмий-педагогик ходимларга 30 фоизи, юридик шахс бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига, давлат аккредитациясидан ўтган таълим ташкилотларига ва илмий ташкилотларга 25 фоизи миқдорида имтиёзлар бериш;

- оригинал дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, хусусан, дори воситасини яратиш жараёнида ўтказиладиган тадқиқотлар натижасида олинадиган клиник олди ва клиник синовлар натижаларини ҳимоя қилиш;

- саноат мулки объектларидан табиий офатлар, ҳалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда фойдаланилган ҳолатларда ҳам ҳуқуқ эгасига белгиланган миқдорда товон пули тўланишни кўзда тутувчи қоидалар киритилди.

Мамлакатимизни БСТга кириш учун интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро ҳуқуқий асослар ва миллий ҳуқуқий асосларни қиёсий солиштириш кифоя қилади.

Интеллектуал мулкнинг халқаро келишувларни тизимини қуйидагича таснифлаш мумкин.

1. Интеллектуал мулкнинг асосий халқаро шартномалари: “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этиш тўғрисида”ги Стокгольм конвенцияси (БИМТ) (1967 йил). “Жаҳон савдосини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар тўпламига киритилган интеллектуал мулк ҳуқуқининг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида”ги битим – ЖСТ (ТРИПС Келишуви) (1994 йил).

2. Асосий халқаро муаллифлик шартномалари: “Адабий ва бадиий ижод асарларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Берн конвенцияси (1886 йил) (1971 йилдаги тузатишлар билан). “Бутунжаҳон муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги Конвенция (Женева) (1952 ва 1971 йилларда ўзгартирилган). БИМТнинг “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги шартномаси (1996 йил).

3. Турдош ҳуқуқлар соҳасидаги асосий халқаро шартномалар: “Ижрочилар, продюсерлар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва эшиттириш ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция (Рим конвенцияси) (1961 йил). “Сунъий спутник орқали узатиладиган дастурларни олиб боровчи сигналларни тарқатиш тўғрисида”ги Конвенция (Брюссел конвенцияси) (1974 йил). “Фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммаларини ноқонуний такрорлашдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конвенция (Женева конвенцияси) (1971 йил). БИМТнинг “Ижро ва фонограммалар тўғрисида”ги шартномаси (1996 йил).

4. Саноат мулки соҳасидаги асосий халқаро шартномалар: “Белгларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Мадрид битими (1891 йил).

“Саноат мулкни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги конвенция (1883 йил). “Савдо белгиси тўғрисидаги қонунлар тўғрисида”ги шартнома (1994 йил, 2006 йил).

“Белгиларни рўйхатга олиш учун товар ва хизматларни халқаро таснифлаш тўғрисида”ги битим (1957 йил). “Олимпия рамзини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Шартнома (1981 йил).

5. Халқаро патент ҳуқуқининг асосий шартномалари: Саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси (1883 йил). Патент кооперацияси бўйича ҳамкорлик шартномаси (1970 йил). “Патент ҳуқуқи тўғрисида”ги шартнома (PLT) (2000 йил). “Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида”ги битим (1968 йил). “Халқаро патент таснифи тўғрисида”ги битим (1971 йил). “Патент процедурасининг мақсадлари учун микроорганизмлар депонирлашни халқаро тан олиш тўғрисида”ги шартнома (1977 йил). Евроосиё патент конвенцияси (1994 йил). “Ўсимликларни янги навларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги халқаро конвенцияси (1961 йил). “Товар келиб чиққан жой номларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги шартнома (1958 йил). Саноат намуналарини халқаро рўйхатга олиш бўйича Гаага Битими (1999 йил).

6. Минтақавий келишувлар: “МДХ давлатларининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги битими (1993 йил). Европа Иттифоқининг 1991 йил 14 майдаги 91/250 / “ЕЕС компьютер дастурларини юридик ҳимоя тўғрисида”ги директиваси. “Ижарага бериш ва вақтинча бепул фойдаланишни бериш ҳуқуқи ва баъзи интеллектуал мулк ҳуқуқлари тўғрисида”ги ЕИнинг 1992 йил 19 ноябрдаги 92/100 / ЕЕС Директиваси ва бошқалар. Интеллектуал мулкни асосий шартномаларини қисқача тавсифига тўхталадиган булсак, биринчи навбатда, Саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенциясини (1883) айтиб ўтиш керак.

7. Имконияти чекланганларни ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи шартномалар: “Кўзи ожизлар ва кўриш қобилияти ёки бошқа имкониятлари чекланганларнинг нашр этилган асарлардан фойдаланиш имкониятини енгиллаштириш тўғрисида”ги Марокаш шартномаси. (2013 йил)

Интеллектуал мулк соҳасида миллий қонунчилиги тизими:

1. Конституциянинг 53-моддаси;
2. Фуқаролик Кодекси – IV бўлими;
3. Маъмурий жавобгарлик кодекси 177, 177.1 ва 177.2-моддалари;
4. Жиноят кодекси 149, 191 ва 192-моддалари;
5. Божхона кодекси 56-Боб 282-293-моддалари;
6. “Илм-фан ва илмий фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни;
7. Ихтиролар фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни;
8. “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонун;
9. “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни;
10. “Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумот базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун;
11. “Интеграл микросхемалар топологиялари тўғрисида”ги Қонун;
12. “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни;
13. “Фирма номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни;
14. “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

Халқаро келишувлар ва миллий қонунлар ўртасида узвий боғланиш мавжуд. Миллий қонунлар мазмунида халқаро стандартлар ўз мужассамини топган.

Юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда БСТга аъзо бўлиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунларини ТРИПС битими билан уйғунлаштириш

жараёни мувофақиятли амалга оширилмоқда. Хозирга қадар амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар интеллектуал мулк соҳасидаги мамлакатимиз қонунлари ТРИПС битимига уйғунлашганлигини, улар ўртасида зиддият ҳам, номувофиқлик ҳам мавжуд эмаслигини аниқ ишонч билан таъкидлаш мумкин. Бу борада навбатдаги вазифа мамлакатимизда интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни институтчионал ва ҳуқуқий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш фуқаролик, маъмурий, жиноий жавобгарлик асосларини такомиллаштириш ва уларга қатъий риоя қилинишини таъминловчи ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини тизимли, барқарор ишлашини йўлга қўйишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши мамлакатимиз бозорига хорижий субъектларнинг киришини осонлаштириш билан бирга Ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар учун ўз махсулотларини хорижий мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш имкониятларини ҳам осонлаштиради. Бироқ бу автоматик равишда ўз-ўзидан рўй бермайди. Ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар махсулотлари муайян техник талабларга жавоб бериши лозим. 2023 йил 27 февралда Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 819-сонли “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида” Қонуни қабул қилинган ва у 29 август 2023 йилда кучга кирган. Техник жиҳатдан тартибга солиш махсулотнинг хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш жараёнларига ва усулларига доир талабларни белгилаш, қўллаш ҳамда бажариш, шунингдек уларга риоя этилишини мувофиқликни баҳолаш ва давлат назоратини амалга ошириш орқали текшириш жараёни ҳисобланади. Техник регламент махсулот хавфсизлигининг қўлланиши мажбурий бўлган тавсифлари ёки улар билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва усуллари қоидалари белгиланган ҳужжат ҳисобланади. Хар бир мамлакатни ўз техник регламентлари мавжуд ва кўп ҳолларда махсулот экспорт импорт операцияларида ўша давлат техник регламенти билан мамлакатимиз техник регламенти уйғунлаштириш талаб этилади. Техник тартибга солиш ҳуқуқий тартибга солишдан худди шу жиҳатлари билан фарқ қилади. Мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солишни халқаро таомилларига асосланган тизимини яратмасдан туриб мамлакатимиз тадбиркорлик субъектлари Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига Ўзбекистон Республикасини аъзо бўлиб кириши сабабли вужудга келадиган имкониятлардан фойдалана олмайди. Худди шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 28 февралда ПҚ 91-сонли Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Унга кўра техник тартибга солиш миллий ахборот тизими ишга туширилади. 2025 йил 1 январдан бошлаб мувофиқликни баҳолаш органларининг аккредитациядан ўтказиш, махсулотларни давлат рўйхатига олиш, мувофиқликни баҳолаш органлари ва синов лабораториялари томонидан синов баённомалари мувофиқлик сертификати ва декларацияни расмийлаштириш жараёнлари фақат мазкур тизим орқали амалга оширилади. Айни пайтда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ҳуқуқбузарлик турлари белгилаб қўйилди ва улар учун молиявий санкциялар, мувофиқлик сертификатини тўхтатиб қўйиш, сертификатлаш фаолиятини тўхтатиб туриш, аккредитация доирасидан чиқариш санкциялари белгилаб қўйилган. Шунини таъкидлаш ўринлики, гарчи, техник жиҳатдан тартибга солиш ҳуқуқий тартибга солишдан фарқ қилса ҳам улар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бундай боғлиқлик товарлар, ишлар, хизматлар сифати хавфсизлигини белгилаш мезонлари билан боғлиқ. Бинобарин, техник жиҳатдан тартибга солиш ҳуқуқий тартибга солиш жараёни учун ўзига хос методологик манба бўлиб ҳисобланади. Техник регламентларсиз бозор тизими, шартнома интизоми тўлақонли амал қила олмайди. Техник тартибга солиш ўз табиати бўйича ҳам оммавий ҳуқуқий, ҳам фуқаролик ҳуқуқий негизларга таянади. Афсуски, цивилистик тадқиқотларда техник тартибга солиш масаласига етарли даражада эътибор қаратилаётгани йўқ. Шунини эътироф этиш лозимки, профессор Ж.Бобоев истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларини тадқиқ этганда техник жиҳатдан тартибга солишни мукамал тизимини яратмасдан туриб истеъмолчилар

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарали тизимини яратиб бўлмаслигини ҳақли равишда кўрсатган эди [3]. Мамлакатимизни Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши муносабати билан боғлиқ жараёнларда техник жихатдан тартибга солишни моҳияти, аҳамияти, зарурияти ўзини бутун бўй-басти билан тўлақонли намоён бўлди. Бу эса келгусида цивилистик тадқиқотларда техник жихатдан тартибга солиш масалаларига доимий, тизимли, мақсадли эътибор қаратишни тақозо этади.

Сўнги вақтларда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда унинг халқаро стандартлари талабларини ошириб бажаришга интилиш ёхуд автоматик равишда қабул қилишга интилиш ҳолатлари минималлашиб бормоқда. Бунинг яққол намунаси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 6 июнда саноат намуналарига нисбатан экспертизадан ўтказдириш ва патент олиш жараёнларини соддалаштиришни назарда тутувчи Гаага битимига қўшилиши бунга яққол мисолдир. Ўзбекистон ушбу битимга саккизта писанда билан қўшилди. Хар бир писанда Ўзбекистон манфаатларини ифода этувчи ўзига хос оригинал новеллалардан иборат. Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида музокараларга пухта тайёрланиш, позицияларни олдиндан аниқ белгилаш, музокараларда ўзига хос ён беришлар технологияси учун бошланғич жараёнларда позицияда балласт шартларини назарда тутилиши муҳим аҳамиятга эга. Ушбу балласт шартлар кейинчалик музокаралар жараёнида ён бериш ва шу орқали консенсусга эришиш учун замин яратади. Ўзбекистон Республикасининг Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиб кириши мамлакатимиз бозорига хорижий субъектларнинг киришини осонлаштириш билан бирга Ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар учун ўз махсулотларини хорижий мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш имкониятларини ҳам осонлаштиради. Бироқ бу автоматик равишда ўз-ўзидан рўй бермайди. Ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар махсулотлари муайян техник талабларга жавоб бериши лозим. 2023 йил 27 февралда Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ 819-сонли “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида” Қонуни қабул қилинган ва у 29 август 2023 йилда кучга кирган. Техник жиҳатдан тартибга солиш махсулотнинг хавфсизлигига, уни ишлаб чиқариш жараёнларига ва усулларига доир талабларни белгилаш, қўллаш ҳамда бажариш, шунингдек уларга риоя этилишини мувофиқликни баҳолаш ва давлат назоратини амалга ошириш орқали текшириш жараёни ҳисобланади. Техник регламент махсулот хавфсизлигининг қўлланиши мажбурий бўлган тавсифлари ёки улар билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва усуллари қоидалари белгиланган ҳужжат ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатни ўз техник регламентлари мавжуд ва кўп ҳолларда махсулот экспорт импорт операцияларида ўша давлат техник регламенти билан мамлакатимиз техник регламенти уйғунлаштириш талаб этилади. Техник тартибга солиш ҳуқуқий тартибга солишдан худди шу жиҳатлари билан фарқ қилади. Мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солишни халқаро таомилларига асосланган тизимини яратмасдан туриб мамлакатимиз тадбиркорлик субъектлари Жаҳон савдо ташкилотига Ўзбекистон Республикасини аъзо бўлиб кириши сабабли вужудга келадиган имкониятлардан фойдалана олмайди. Худди шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 28 февралда ПҚ 91-сонли Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисидаги Қарори қабул қилинди. Унга кўра техник тартибга солиш миллий ахборот тизими ишга туширилади. 2025 йил 1 январдан бошлаб мувофиқликни баҳолаш органларининг аккредитациядан ўтказиш, махсулотларни давлат рўйхатига олиш, мувофиқликни баҳолаш органлари ва синов лабораториялари томонидан синов баённомалари мувофиқлик сертификати ва декларацияни расмийлаштириш жараёнлари фақат мазкур тизим орқали амалга оширилади. Айни пайтда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ҳуқуқбузарлик турлари белгилаб қўйилди ва улар учун молиявий санкциялар, мувофиқлик сертификатини тўхтатиб қўйиш, сертификатлаш фаолиятини тўхтатиб туриш, аккредитация доирасидан чиқариш санкциялари белгилаб қўйилган. Шунини таъкидлаш ўринлики, гарчи, техник жиҳатдан тартибга солиш ҳуқуқий тартибга солишдан фарқ қилса ҳам улар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бундай боғлиқлик

товарлар, ишлар, хизматлар сифати хавфсизлигини белгилаш мезонлари билан боғлиқ. Бинобарин, техник жиҳатдан тартибга солиш ҳуқуқий тартибга солиш жараёни учун ўзига хос методологик манба бўлиб ҳисобланади. Техник регламентларсиз бозор тизими, шартнома интизоми тўлақонли амал қила олмайди. Техник тартибга солиш ўз табиати бўйича ҳам оммавий ҳуқуқий, ҳам фуқаролик ҳуқуқий негизларга таянади. Афсуски, цивилистик тадқиқотларда техник тартибга солиш масаласига етарли даражада эътибор қаратилаётгани йўқ. Шунини эътироф этиш лозимки, профессор Ж.Бобоев истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларини тадқиқ этганда техник жиҳатдан тартибга солишни мукамал тизимини яратмасдан туриб истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарали тизимини яратиш бўлмаслигини ҳақли равишда кўрсатган эди [3]. Мамлакатимизни Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши муносабати билан боғлиқ жараёнларда техник жиҳатдан тартибга солишни моҳияти, аҳамияти, зарурияти ўзини бутун бўй-басти билан тўлақонли намоён бўлди. Бу эса келгусида цивилистик тадқиқотларда техник жиҳатдан тартибга солиш масалаларига доимий, тизимли, мақсадли эътибор қаратишни тақозо этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. О.Окюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. Тошкент. ТДЮИ. 2004 йил.
2. О.Окюлов., Х.Исоқов., М.Қаландарова., И.Насриев ва бошқалар. Интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизими: миллий ва хорижий тажриба. Тошкент. 2023.
3. Геогарафик кўрсаткичлар минтақавий брендларни ривожлантиришга хизмат қилади // <https://adliya.uz/uzb/posts/geogarafik-korsatkichlar-mintaqaviy-brendlarni-riv>
4. Д.И.Бабаев. “Истеъмолчига етказилган зарарни қоплашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш” юридик фанлари доктори (DSc) диссертация авторферати. 24 бет.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА

LAWYER HERALD

ЮЛДАШОВ Абдумумин Абдугопирович

Тошкент давлат юридик университети
Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси мудири ўринбосари,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,
ORCID-0000-0002-2940-8718

E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

МАЖБУРИЙ ЛИЦЕНЗИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ: МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА САНОАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИ МИСОЛИДА

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ЮЛДАШОВ А.А. Мажбурий лицензиянинг ҳуқуқий табиати: муаллифлик ҳуқуқи ва саноат мулки объектлари мисолида // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №3 (2024) Б. 34-40.



3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3-4>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада саноат мулки объектлари, хусусан ихтиро ва фойдали моделларга нисбатан мажбурий лицензия тартиб-қоидалари, унинг келиб чиқиш тарихи, унга доир Ўзбекистон қонунчилиги нормалари билан боғлиқ масалалар ёритилган. Хусусан, бунда мажбурий лицензиянинг шартлари, патент эгаси ва фойдаланувчи ўртасидаги муносабатлар, ваколатли органнинг вазифалари, Жаҳон савдо ташкилотининг ТРИПС битими нормаларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликдан амалиётда қўллаш билан боғлиқ жиҳатлар тадқиқ қилинган ҳамда таҳлиллар билдирилган. Шунингдек, бу йўналишдаги бир қатор хорижий мамлакатлар тажрибаси ва уларнинг суд амалиёти хусусида ҳам сўз юритилган. Мақолада, шунингдек патент эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муҳим технология ва инновациялардан фойдаланишда жамоат манфаатларини илгари суриш ўртасидаги мувозанатни сақлашда мажбурий лицензиянинг тутган ўрни бўйича илмий-назарий хулосалар қилинган.

Калит сўзлар. мажбурий лицензия, патент, ихтиро, фармацевтика, ТРИПС, Адлия вазирлиги, саноат мулки объектлари, суд амалиёти

ЮЛДАШОВ Абдумумин

Заместитель заведующего кафедры
«Право интеллектуальной собственности»
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент
ORCID-0000-0002-2940-8718

E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ПРИНУДИТЕЛЬНОЙ ЛИЦЕНЗИИ: НА ПРИМЕРЕ ОБЪЕКТОВ АВТОРСКОГО ПРАВА И ПРОМЫШЛЕННОЙ СОБСТВЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с обязательными лицензионными процедурами в отношении объектов промышленной собственности, в частности изобретений и полезных моделей, история их происхождения и их регулирующие нормы законодательства Узбекистана. В частности, были исследованы условия принудительной лицензии, взаимоотношения между патентообладателем и пользователем, задачи компетентного органа, аспекты, связанные с применением законодательства на практике, вытекающие из норм соглашения ТРИПС Всемирной торговой организации, представлены аналитические материалы. В статье также рассмотрен опыт ряда зарубежных стран в этом направлении и их судебная практика. Кроме того, сделаны научно-теоретические выводы о роли принудительного лицензирования в поддержании баланса между защитой прав патентообладателей и продвижением общественных интересов в использовании важных технологий и инноваций.

Ключевые слова: принудительная лицензия, патент, изобретение, фармацевтика, ТРИПС, Министерство юстиции, объекты промышленной собственности, судебная практика

YULDASHOV Abdumumin

Deputy Head of the Department of Intellectual
Property Law of Tashkent State University of Law,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate professor
ORCID-0000-0002-2940-8718
E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

THE LEGAL NATURE OF A COMPULSORY LICENSE: USING THE EXAMPLE OF COPYRIGHT AND INDUSTRIAL PROPERTY OBJECTS

ANNOTATION

Процессуал ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини назорат қилиш тизими жиноят процессуал қонунчиликда шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш устидан назоратни ўз ичига олади. У ёки бу идора ва ташкилотлар томонидан назорат фаолияти амалга оширилмаса, конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ва фуқароларга тегишли ҳуқуқ ва эркинликларга оид кафолатларни рўёбга чиқариб бўлмайди. Бироқ, прокурор назорати жиноят процессида қонун устуворлигини таъминлашнинг ягона махсус давлат воситаси эмас.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва судда қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат фаолиятининг уч тури кўзда тутилган: суд назорати (Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК деб аталади) 29-модда иккинчи қисм), прокурор назорати (ЖПК 33-модда биринчи қисм) ва терговга қадар текширув, суриштирув ҳамда тергов органи раҳбари томонидан амалга ошириладиган идоравий процессуал назорат (ЖПК 37, 39, 39²-моддалари қисм) [1]. Суд назорати, прокурор назорати ва идоравий назоратнинг оптимал нисбати жиноят ишларини тергов қилиш, суриштирув, терговга қадар текширувда қабул қилинаётган қарорларни асослиги ва қонунийлигини таъминлашда, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза қилишда қайд этилган назорат фаолияти турларининг ишлаш самарадорлиги билан боғлиқ. Бизнингча, бу долзарб илмий муаммони ташкил этади ва ҳали яқуний илмий-амалий ечимини топгани йўқ.

Суд назорати, прокурор назорати ва идоравий назорат тушунчалари ўзаро бир-

бирлари билан боғлиқ, улар умумий хусусиятларга ва ўхшаш табиатга эга. Уччала тушунча ҳам у ёки бу тарзда назорат қилинадиган объект фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, шунингдек ваколатли ва маъмурий характердаги процессуал қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ. Шундай қилиб, суд назорати, прокурор назорати ва идоравий назорат жиноят ишининг ҳар қандай босқичида инсон ҳуқуқлари кафолатлари тизимини янада ишончли ҳимоя қилади.

Айтиш жоизки, суд назорати, прокурор назорати ва идоравий назорат жиноят иши қўзғатилиш босқичида, дастлабки тергов босқичида, суд босқичида жиноят ишига юритилишига маъсул бўлган мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган қарорлар текширилишининг қонунийлигини назорат қилиш ва назорат қилишнинг мақсад ва воситалари, жойи ва вақти бўйича мувофиқлаштирилган фаолиятдир. Аммо, ягона функция сифатида қаралиши мумкин эмас, чунки улар турли вазифаларга эга.

А.В.Шилов ва Э.З.Трошкинларнинг фикрлари ўринлидир, агар жиноят иши юритишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари процессуал мажбурият чоралари (эҳтиёт чоралари) билан чекланмаганда, назорат институтларининг мавжудлигига ҳам эҳтиёж қолмас эди [2]. Дарҳақиқат, олимларнинг фикрида жон бор, ҳаётда инсон ҳаёти, соғлиги, шаъни-қадр қимматидан муҳим масала бўлмаса керак.

И.В.Чепурная, турли хил иерархик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган назорат субъектлари биргаликда битта объектга - судгача бўлган иш юритишга таъсир қилади. Мансабдор шахслар ўртасидаги меҳнат тақсимоти ҳар кимга умумий муаммони ҳал қилишда ўз ҳиссасини қўшишга имкон беради. Шу муносабат билан, бир томондан, тергов бўлими бошлиғи, иккинчи томондан, прокурор, учинчи томондан, суд ўз фаолиятида бир-бирини алмаштирмайдиган вазиятни таъминлаш керак [3].

Судгача бўлган иш юритишда процессуал назорат шакллари ўртасидаги фарқнинг асоси бўлган мезонлар қуйидагиларга хизмат қилиши мумкин: а) ҳал этиш учун жиноят процессида муайян орган ёки мансабдор шахс ташкил этган вазифа; б) процессуал назорат субъектлари ваколатларининг хусусияти; в) уларнинг ҳар бирининг давлат органлари тизимида эгаллаган лавозими.

Келинг, юқорида келтирилган уччала назорат функцияларни бирма-бир таҳлил қилиб чиқамиз. Таъкидлаш жоизки, тергов бўлими бошлиғининг ваколатлари алоҳида эътиборга эга. Чунончи, ЖПК 37-моддасига биноан, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари (бундан буён матнда тергов бўлими бошлиғи деб юритилади) ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этадилар. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб бориш чораларини кўрадилар [1]. Бундан ташқари, ЖПК 37-моддасига мувофиқ, тергов бўлими бошлиғи ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир [1].

Жиноят процессида суриштирув ва тергов бўлими бошлиғининг мақоми пайдо бўлган пайтдан бошлаб, илмий доирада турли баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда. Илмий мунозараларнинг предмети жиноят ишлари бўйича терговни процессуал бошқариш тергов бўлими бошлиғи томонидан амалга оширилиши масаласи бўлди.

Б.Мўминов, идоравий-процессуал контролни амалга оширишда тергов бўлими бошлиғининг терговчининг тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақидаги ҳар бир қарори билан бевосита танишиб чиқиши, уларда келтирилган маълумотларнинг жиноят иши материаллари билан асосланганлигини, процессуал тартиб-қоидаларга риоя этилганлигини шахсан текшириши зарурлигини тақозо этади [4].

Баъзи олимларнинг фикрича, тергов бўлими бошлиғи терговни процессуал бошқаришни таъминламайди. А.В.Соловьёвнинг сўзларига кўра, тергов бўлими бошлиғига “моҳиятан терговга процессуал раҳбарликни қилмайди” ташкилий хусусиятдаги ваколатлар берилган [5]. Шунга ўхшаш фикрларни Г.С.Казинян [6], ёки бундан мақомни тугатиш лозим деган фикрлар билдирилган [7]. Бизнинг фикримизча, бундай назорат фаолияти жиноят процессуал вазифаларни рўёбга чиқаришга зарур восита бўлиб хизмат қилади. Бизнингча, Г.С.Казинян бундай фикрга келишга сабаб, балки тергов бўлими бошлиғи томонидан амалга ошириладиган процессуал назорат билан прокурор назоратининг ўзаро муносаббати билан боғлиқдир.

Бошқа олимлар эса қарама-қарши позицияни эгаллашган. Мисол учун, Х.Хаджиев, тергов бошлиғи ишни юқори сифати, тўлиқлиги, ҳар томонлама ва холислигини таъминлаш учун зарур шахс ҳисобланади [8].

В.А.Михайловнинг фикрича, бу назорат процессуал, лекин идоравий эмас, чунки “унинг ҳуқуқий табиати, моҳияти ва мақсади, шакллари, усуллари ва амалга ошириш воситалари процессуалдир, лекин идоравий хусусиятга эга эмас” [9].

Юқорида келтирилган фикрларга албатта қўшилган ҳолда, тергов бўлим бошлиғини терговга раҳбарлик қилиш ваколатлари процессуал характерга эга. Мисол учун, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, дастлабки тергов ўтказиш, жиноятни тавсиф қилиш, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига йўналтириш каби ваколатлар тергов жараёнини бевосита бошқариш имконини беради.

Бизда, айнан, тергов бўлими бошлиғи фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг назорат жиҳати янада қизиқиш уйғотди (дастлабки терговни қонунийлиги, тўлаллиги, ҳар томонлама, ўз вақтида ва холисона олиб бориш).

Тергов бўлими бошлиғининг (суриштирув бўлими бошлиғининг) терговчи (суриштирувчи) устидан назорат фаолияти кундалик ва бевосита характерга эга бўлиб, унга бўйсунувчи терговчилар томонидан жиноятларни тергов қилишга раҳбарлик қилишдан иборат. ЖПК 37-моддасига мувофиқ, (39-модда), тергов бўлими бошлиғининг (суриштирув бўлими бошлиғининг) терговга (суриштирувга) процессуал раҳбарликни амалга ошириш бўйича ваколатларини нафақат тўлиқ сақлаб қолди, балки уларни терговчига кўрсатма бериш ҳуқуқи билан тўлдирди, шунингдек, терговчининг дастлабки терговни тўхтатиб туриш тўғрисидаги асоссиз қарорларини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Терговчининг бошқа ноқонуний ёки асоссиз қарорларини бекор қилиш зарурати туғилганда, тергов бўлими бошлиғи прокурорга тегишли илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Бундан ташқари, тергов бўлими бошлиғи томонидан терговчига ёзма тартибда топшириқлар бериши ва уни ижро этилишининг мажбурийлиги белгилаб қўйилган.

Аммо, олимлар томонидан тергов бўлими бошлиғига кенг ваколатлар берилиш сабаби ва зарурати нимада деган, мунозарали фикрлар мавжуд, ахир худди шунга ўхша назорат прокурорларда ҳам мустақамлаб қўйилганку деган эътирозли фикрлар билдирилмоқда. Ҳақиқатдан, бир-бирини такрорлайдиган назорат институтлари вужудга келиши хавотири ўринлидир.

Чиндан ҳам, тергов бўлими бошлиғи терговчини қабул қилган қарорларини бекор қилишга ҳақли эмас. ЖПК 37-моддаси тўртинчи қисми бўйича фақат, терговчининг асоссиз ёки ноқонуний қарори устидан прокурорга шикоят қилиши мумкин, аммо бу терговчининг қарорларининг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.

О.Мадалиев фикрича, прокурорнинг жиноят ишлари бўйича берган ёзма кўрсатувларининг бажарилиши ҳам терговчи учун мажбурий ҳисобланади. Тергов фаолияти бўйича доимий ва мунтазам назорат прокурор томонидан амалга оширилади [10].

Прокурор ва тергов бўлими бошлиғининг назорат ваколатларининг қиёсий таҳлили уларнинг ўхшаш томонларини ҳам мавжудлигини кўрсатади: иккаласи ҳам терговнинг асосий масалаларига таъсир қилувчи кўрсатмалар бериши мумкин ҳамда бу терговчи учун мажбурийдир ва дастлабки терговни ҳаракатларини ўтказиш ҳақида

терговчига кўрсатма бериш, жиноят ишига раҳбарлик қилишга ҳақли. Шу билан бирга, прокурорнинг ваколатлари тергов бўлими бошлиғининг ваколатларидан сезиларли даражада кенгрокдир, прокурор тергов бўлими бошлиғининг кўрсатмаларига зарур тузатишлар киритиши ҳамда терговчи ва тергов бўлими бошлиғи ўртасидаги низони ҳал қилувчи шахс сифатида иштирок этиши мумкин. Мисол учун, тергов бўлими бошлиғининг ваколатлари прокурордан фарқли ўлароқ, маъмурий хусусиятга эга эмас яъни, терговчининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини бекор қилиш ҳуқуқи прокурорда қолди.

В.И.Басков таъкидлаганидек, “қонун прокурорга терговчининг фаолиятига яъни судгача бўлган иш юритишнинг қонунийлигини таъминлаш учун етарли ҳуқуқий воситаларни тақдим этади. Шунинг учун, терговчи устидан тергов бўлими бошлиғини мақоми билан мустаҳкамланиши тўғридан-тўғри такрорланишига олиб келмоқда” [11].

Жиноят ишларини ўрганиш шуни кўрсатдики, тергов бўлимлари бошлиқлари фақат 6% ҳолларда иш бўйича кўрсатмалар бериш учун ўз ваколатларидан фойдаланганлар.

Бизнингча, тергов бўлими бошлиғини ваколатларини кенгайтириш зарурати ягона идоравий бўлган худди Россия Федерацияси Тергов қўмитаси тузилган тақдирдагина пайдо бўлиши керак деган фикр мавжуд [12]. Бунда тергов бўлими бошлиғининг ўрни ва роли ҳамда тергов сифати учун маъсулиятни ошишига олиб келар эди.

Умуман олганда, дастлаб тергов бўлим бошлиғи мақоми пайдо бўлиши, жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб бориш билан боғлиқ.

Айниқса, жиноят иши қўзғатилиш босқичидаги идоравий ташкилий назорат муҳим ҳисобланади. Чунки, жиноятлар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ рўйхатга олиниши, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати пайдо бўлган тақдирда ҳамда бундай маълумотларнинг тезкорлик билан ҳал этилиш тўғрисида масаласида идоравий назорат биринчи навбатда эътибор берилиши керак бўлган фаолиятдир. Бундай масала жиноят-процессуал қонуни қоидаларига асосланади, лекин асосан идоравий норматив ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади.

О.Изатов тўғри таъкидланганидек, идоравий назорат, шунингдек, прокурор назорати самарадорлигини учта хусусиятга кўра баҳолаш мумкин:

1) хатоларни аниқлаш; 2) ушбу хатоларни аниқлай олмаслик; 3) назорат қилувчи органларининг ўзлари томонидан қилинган хатолар сони [13].

Демак, юқоридаги фикрларни таҳлил қиладиган бўлсак, идоравий назорат жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга жиноят тўғрисида ариза ёки хабар келиб тушган пайтдан эътиборан таъминланиши керак. Буборада жиноятлар тўғрисида келиб тушаётган маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ расмийлаштирилганлигини текшириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Прокурор назоратини суд назорати орқали чегаралашни ўз-ўзидан мақсад қилинмаган, балки қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва жиноят жараёнини демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янада оширишни кўзлаган. Улар ўртасидаги нисбати шахс, жамият ва давлат манфаатлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ, исботлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан олдиндан белгиланади. Прокурор фаолиятининг табиати жиноий таъқиб қилишда қонунийлик таъминлашдир, яъни давлат ва жамият манфаатларини таъминлашдир. Суд назорати шахсий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, табиийки, бу тергов органлари ва прокурорлар томонидан йўл қўйилган хатоларни судгача бўлган босқичдаги процесс иштирокчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, суд жараёнида эса содир бўлган қонун бузилишларини бартараф этишни назарда тутди.

Бироқ, суд, одил судловни амалга оширганлиги учун, прокурорнинг фаолият

соҳасига (функциясини) аралаша олмайди, бундай аралашув судда жиноий таъқиб функцияси вужудга келишига олиб келади. Шу мақсадда, судья фақат жиноят процесси иштирокчиларининг шикоятларига кўра, мансabdор шахснинг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ёки қарорини ноқонуний ёки асоссиз деб топиш ва йўл қўйилган қонун бузилишини бартараф этиш мажбурияти (прокурорга хабар бериши мумкин) тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда прокурор нафақат суд ажримининг ижросини назорат қилиши, балки ҳуқуқбузарликни бартараф этишнинг энг самарали усулини ҳам танлаши мумкин.

Суд жиноий таъқиб қилувчи органларига нисбатан беғараз ва холисроқ бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор айрим процессуал қарорлар қабул қилиш учун асослар мавжудлиги ёки йўқлигини баҳолашга қодир [14].

Д.Миразов таъкидлашича, суд контроли процессуал шакл доирасида ўтказилиб, жиноят ишини юритувчи мансabdор шахслар томонидан қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ёки улар томонидан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг аввалги ҳолатини тиклаш учун амалга оширилади. Суд контроли институти жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясининг амалда ишлашини таъминлашга хизмат қилади [15].

Шундай қилиб, суд назоратининг мақсадлари: биринчидан, *жиноят иши қўзғатилиш босқичида қонун бузилишини олдини олиш*; иккинчидан, *жиноят процессида иштирок этаётган шахсларни ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш*; учинчидан, *қабул қилинган қарорлар қонунийлиги ва асослилигини назорат қилиш*; тўртинчидан, *фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашдир*.

Судгача бўлган жиноят процессида суд назорати тушунчаси суд ҳокимиятини амалга ошириш шакли сифатида, жиноий таъқиб органларининг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш, жиноят процессида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини ноқонуний чеклашнинг олдини олиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган воситалар тизими сифатида ифодаланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, жиноят процессининг судгача бўлган босқичларида суд назорати ва прокурор назорати ўртасидаги ўзаро муносабатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) *судгача бўлган босқичда суд назорати ва прокурор назорати ягона мақсадни қўзлаган ҳолда амалга оширилиши лозим, энг аввало, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ноқонуний чекловлардан ҳимоя қилишни қамраб олади*;

2) *суд назорати ва прокурор назорати бир-биридан процессуал ва ташкилий жиҳатдан мустақил бўлиб, бу институтларнинг умумий вазифалари уларнинг ҳар бирига хос бўлган турли хил воситалар ва усуллар билан ҳал этилади*.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2023./ <https://lex.uz/docs/111460#253509>
2. Шилов А.В., Трошкин Е.З. Судебный контроль на стадии предварительного расследования в уголовном судопроизводстве Российской Федерации. Минск. 2004. С. 45- 46.
3. Чепурная И.В. Судебный контроль в досудебном уголовном производстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2005.-с. 84.
4. Мўминов Б. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори ... диссер. Тошкент. 2020. - Б. 122.
5. Соловьев А.Б., Токарева М.Е., Халиулин А.Г. Прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании преступлений. М., 2004. С. 40-41.
6. Казинян Г.С. Актуальные проблемы уголовно-процессуального законодательства в третьей Республике Армения. Ереван, 1999. С. 136.
7. Ларин А. М. О принципах уголовного процесса и гарантиях прав личности

в проекте УПК // Судебная реформа: итоги, приоритеты, перспективы: Материалы конференции. — М., 1997. — С. 80

8. Хаджиев Х.Х. Прокурорский надзор и ведомственный контроль за расследованием преступлений. — Ташкент, 1985. — С. 71

9. Михайлов В.А. Меры пресечения в уголовном судопроизводстве: Дис. в виде науч. докл. ... д-ра юрид. наук. М., 1996. С. 16.

10. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. - 124 б.

11. Басков В.И. Прокурорский надзор; Учебник для вузов. — М., 1996. — С. 164.

12. Федеральный закон “О Следственном комитете Российской Федерации” от 28.12.2010 N 403-ФЗ (последняя редакция).

13. Изотова О.В. Проблемы судебного контроля при возбуждении и предварительном расследовании уголовных дел. Дисс. ... канд. юрид. наук. М, 1996. С. 35.

14. Быкова Е.В. Судебный контроль за предварительным расследованием преступлений во Франции. Дисс. канд. юрид. наук. М.1996. С.162.

15. Миразов Д.М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари. юр.ф.доктори ... диссер. Тошкент. 2016. Б. 221-222.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

УТЕМУРАТОВА Сапаргул Шамшетовна

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
“Жиноят ҳуқуқи, процесси ва криминалистика” кафедраси доценти,
юримик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: utemuratovasapargul8@gmail.com

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР СУБЪЕКТИ СИФАТИДА – ЮРИДИК ШАХСЛАР

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): УТЕМУРАТОВА С.
Экология соҳасидаги жиноятлар субъекти сифатида – юридик шахслар // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2024) Б. 71-77.



3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада юридик шахс экология соҳасидаги жиноятларнинг субъекти сифатида кўриб чиқилади. Юридик шахсларнинг экологик норма ва қоидаларини бузганликлари учун ҳуқуқий мақоми ва жавобгарлиги, шунингдек юридик шахсларни экологик жиноятлар учун жавобгарликка тортишнинг илмий асослари ўрганилмоқда. Атроф муҳитни ифлослантирганлик, табиий ресурслардан ноқонуний фойдаланганлик ва бошқа экология соҳасидаги жиноятлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигининг ҳуқуқий жиҳатлари кўриб чиқилган. Бозор иқтисодиёти шароитларида юридик шахслар ҳаракат қилувчи субъектлар ҳисобланади. Улар томонидан келтириладиган зарар (айниқса, экология соҳасида) жисмоний шахс томонидан келтириладиган зарарга нисбатан бир неча баробар ижтимоий хавфли эканлиги таъкидланади. Бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро стандартлар таҳлил қилиниб, жамиятнинг экологик манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва уни самарали татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Калит сўзлар: юридик шахс, экология, жиноят субъекти, атроф муҳитни ифлослантириш, табиий ресурслар, айб, жиноий жавобгарлик, жиноят ҳуқуқи принциплари, халқаро стандартлар, жазо, жарима.

УТЕМУРАТОВА Сапаргул Шамшетовна

Доцент кафедры “Уголовное право, процесс и криминалистика” Каракалпакского
государственного университета имени Бердаха,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: utemuratovasapargul8@gmail.com

ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО – КАК СУБЪЕКТ ПРЕСТУПЛЕНИЯ В СФЕРЕ ЭКОЛОГИИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается юридическое лицо в качестве субъекта преступлений в сфере экологии. Изучается правовой статус и ответственность юридических лиц за нарушения экологических норм и правил, а также обосновываются научные основы привлечения юридических лиц за преступления в сфере экологии. Охарактеризованы правовые аспекты уголовной ответственности юридических лиц за загрязнение окружающей среды, незаконное использование природных ресурсов и другие экологические преступления. Установлено, что в условиях рыночной экономики юридические лица являются действующими субъектами. Наносимый ими ущерб (особенно в области экологии) в несколько раз социально опаснее, чем ущерб, причиненный конкретным лицом. В статье анализируются нормативные акты и международные стандарты в данной области, а также предлагаются рекомендации по укреплению законодательства и его эффективной реализации для защиты экологических интересов общества.

Ключевые слова: юридическое лицо, экология, субъект преступления, загрязнение окружающей среды, природные ресурсы, вина, уголовная ответственность, принципы уголовного права, международные стандарты, наказание, штраф.

UTEMURATOVA Sapargul

Associate professor of the Karakalpak State University named after Berdakh,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: utemuratovasapargul8@gmail.com

LEGAL ENTITY AS A SUBJECT OF CRIME IN THE FIELD OF ECOLOGY

ANNOTATION

The article examines legal entities as subjects of crimes in the field of ecology, studying their legal status and responsibility for violations of environmental norms and regulations. The legal status and responsibility of legal entities for violations of environmental norms and rules are being studied, as well as the scientific basis for holding legal entities accountable for crimes in the field of ecology is being substantiated. It is established that in a market economy, legal entities are active subjects. The damage they cause (especially in the field of ecology) is several times more socially dangerous than the damage caused by a specific individual. The paper analyzes legislative acts and international standards in this area, as well as proposes recommendations for strengthening legislation and its effective implementation to protect the environmental interests of society.

Keywords: legal entity, ecology, subject of crime, environmental pollution, natural resources, guilt, criminal liability, principles of criminal law, international standards, punishment, fine.

Жинойт қонунида жавобгарликка фақат жисмоний шахсларнинг тортилиши аниқ белгиланган (ЖК 17-м.). Лекин, шунга қарамасдан, юридик шахсларнинг жинойт жавобгарлиги масаласи бир неча йиллардан буён бутун дунё олимлари томонидан муҳокама қилиниб, шу кунга қадар муаммолигича қолмоқда.

Юридик адабиётлар таҳлили шундай хулоса қилиш имконини берадики, жаҳон амалиётида юридик шахсларнинг жинойт жавобгарлиги институтини ҳуқуқий тартибга солишнинг учта асосий модели пайдо бўлди.

Биринчи модел юридик шахслар жинойт жавобгарлигининг анъанавий тузилишига асосланади, бунда юридик шахс жисмоний шахс билан бир қаторда жинойтнинг мустақил субъекти сифатида қаралади. У умумий ҳуқуқ тизимли мамлакатларда

(Англия, Шотландия, Ирландия, АҚШ, Канада, Австралия, собиқ инглиз мустамлакалари давлатлари) ва романо-герман ҳуқуқ оиласига кирувчи мамлакатларда (Австрия, Белгия, Голландия, Люксембург, Португалия, Франция, собиқ француз мустамлакалари, Финляндия ва бошқалар). Жиноий жавобгарлик институти анъанавий шаклда собиқ СССР республикалари (Грузия, Литва, Молдова, Эстония) ҳуқуқий тизимларига ҳам киритилган.

Юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг иккинчи модели жиноят содир этишда шахснинг айбли жавобгарлиги тамойилини кўпроқ ҳисобга олади ва шахсни жиноятнинг ягона мумкин бўлган субъекти сифатида тан олишга асосланади. Агар юридик шахс жисмоний шахс томонидан содир этилган жиноятда унинг манфаатларини кўзлаб иштирок этса, жисмоний шахс билан бир қаторда юридик шахс ҳам жиноят қонунчилигига бўйсунди.

Ҳозирги вақтда ушбу модел Австрия, Албания, Испания, Латвия, Мексика, Перу, Туркия, Швейцария каби мамлакатларнинг жиноят қонунчилигига киритилган.

Учинчи модел юридик шахсларнинг жиноятга алоқадорлиги учун маъмурий жавобгарлигини назарда тутди. Уни юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги институтига фақат маълум даражада шартли равишда боғлаш мумкин. Бу модел юридик шахсларга нисбатан таъсир чораларини қўллаш бўйича мўътадил позицияга эга мамлакатларга (масалан, Германия, Италия, Швеция) хосдир.

Олимларнинг айримлари (А.В.Наумов [1, Б.3], С.Т.Фаткулин [2, Б.48-52], Э.Жевлаков [3], Р.Т.Нуртаев [4, Б.120-129], А.С.Никифоров [5] ва Д.М.Кушбаков [6], А.А.Отажанов [7] ва б.) юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш зарурлигини исботлашга ҳаракат қилсалар, айримлари (М.И.Бажанов [8, Б.1244], Г.Н.Борзенков, В.В.Качалов [9, Б.32-41], Н.И.Пряхина [10], Ахраров Б., Баратов М [11]. ва б.) ушбу нормаларнинг Жиноят кодексига киритилишига қарши фикр билдиради.

Нима учун олимлар жиноят ҳуқуқига юридик шахсларни субъект сифатида киритилишига қарши? Чунки, жиноят ҳуқуқи ҳаракатларига жавоб бера оладиган ва ўз ҳаракатларини бошқара оладиган жисмоний шахснигина жавобгарликка тортади. Агар, юридик шахслар жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлса, жиноят қонунининг принциплари бутунлай ўзгариб кетади, бу эса жиноят ҳуқуқи асосий ҳолатларининг ўзгартирилишига олиб келади. Юридик шахснинг айби унинг номидан расмий иш кўраётган жисмоний шахснинг айби билан белгиланади. Демакки, юридик шахс бошқа (жисмоний) шахснинг қилмиши учун жиноят-ҳуқуқий характердаги салбий оқибатларга дучор бўлади. Бундай ёндашув шахснинг бошқалар томонидан содир этилган қилмишлар учун жавобгарликка тортилмаслигини назарда тутувчи шахсий жиноий жавобгарлик тамойилига мос кела олмайди [10, Б.44-72].

Агар юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортишдаги асосий мақсад уларнинг жавобгарлигини кучайтиришдан иборат бўлса, буни бошқа ҳуқуқ нормалари билан ҳам амалга оширса бўлади. Жавобгарликнинг ушбу тури жорий этилган давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари юридик шахсларга нисбатан жиноят қонунини қўллашда моддий ва процессуал қийинчиликларга дуч бўлмоқда [5, Б.18].

Шунингдек, юридик шахсларнинг жавобгарлигини жиноий тарзда белгиланиши билан амалда қўлланилаётган чоралардан ташқари, ҳеч қандай чораларни тақлиф қилиб бўлмайди, юридик шахсларга иқтисодий (аввалги хўжалик) судлар томонидан жарима, фаолиятини тўхтатиб қўйиш, юридик шахсни тўловга қобилиятсиз деб топиб, тугатиш чоралари қўллаб келинади. Ушбу чораларни Жиноят кодексига белгиланишида бундан оғир чорани тақлиф қилиб бўлмайди [11].

Юридик шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши керак деб ҳисоблаган олимлар қандай асосларга суяниб ушбу фикрни ривожлантирмоқда?

Жиноят ҳуқуқи назариясида ва қонунчиликда жиноий жавобгарликнинг зарурий шarti бу – айб. Айб шахснинг жиноятга психологик муносабати сифатида тушунилади. Айбдорлик тамойили Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 9-моддасида жисмоний шахсларга нисбатан белгиланган. Унинг маъноси жуда аниқ: Шахс қонунда

белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини тан олмайдиган муаллифлар ана шу тамойил талабига асосланадилар. Юридик шахсларнинг айбини тан олиш тарафдорлари, ўз навбатида, ташкилотларнинг айби ўз ходимларининг ўз меҳнат (хизмат) вазифаларини бажаришдаги айбли хатти-ҳаракатларидан бошқа тарзда намоён бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблайдилар [12].

А.С.Никофоров айб учун шахсий жавобгарлик принципининг шарҳланишига норози фикр билдиради. Ушбу муаммони ўрганиб, муаллиф "...шахсий жавобгарлик деганда нима учун фақат жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини тушуниш керак? Ҳуқуқда "шахс" деган фақат индивид маъносини англатадими?" деган савол қўяди [5, Б.120].

А.В.Наумовнинг ёзишича, агар юридик шахслар жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлса, жиноят қонунининг классик принципларини қайта баҳолаш ва улардан бош тортишга зарурият йўқ. Унинг фикрича, юридик шахслар жавобгарлиги танҳо жавобгарлик принципи билан амалга оширилиб, уни тўлдириши мумкин [1, Б.106-118].

Бутамойил, шубҳасиз, инсониятнинг цивилизация, тараққиёт ва демократия йўлидаги энг муҳим ютуқларидан биридир. Бу XVIII аср охирида, буюк Франция инқилоби даврида эълон қилинган. Бу тамойил илгари мавжуд бўлган жиноий жавобгарлик ҳақидаги умумий ғояни нафақат жиноят содир этганлик учун, балки феодал даврда ривожланган ҳар қандай хавфли ва зарарли оқибатларга олиб келганлик учун жавобгарлик сифатида алмаштирди. Хавфли ва зарарли оқибатлар ақлдан озганлар, ҳайвонлар ва ҳатто жонсиз предметлар томонидан келтирилиши мумкин (масалан, Россияда 1553 йилда Угличда халқни қўзғолонга "чақирган" черков қўнғироғи давлат жинояти учун судланганлиги маълум; исёнкор қўнғироқ қамчи билан жазоланди ва Сибирга сургун қилинди). Юридик шахсларнинг жавобгарлиги ҳам ушбу жиноий жавобгарлик тушунчаси доирасига органик равишда мос келди (масалан, XVII асрда Францияда корпорациялар ва жамоалар томонидан содир этилган жиноятлар учун жиноий жазо назарда тутилган).

Ўзбекистон Республикасида ушбу масала М.Д.Джалилов, А.С.Якубов, М.Х.Рустамбоев томонидан "Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунчилиги концепцияси"да кўрилади [13].

Айниқса, бу муаммо А.С.Якубов томонидан чуқур ўрганилган. Муаллиф юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласини жиноят ҳуқуқига киритилиш заруриятини келтириб чиқарадиган ижтимоий омилларнинг қуйидаги турларини кўрсатади: юридик шахс томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарар миқдорини худди шундай ҳаракат натижасида жисмоний шахс томонидан келтириладиган зарар билан қиёслаб бўлмаслиги; экологияга доир қонун ҳужжатларининг ким томонидан бузилганлигини аниқлашдаги қийинчилик; маъмурий ва жиноят ҳуқуқининг бири-бирига яқинлиги — тизимли-ҳуқуқий омил; халқаро ҳуқуқий омил; юридик шахс томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга эътиборнинг етарли эмаслиги; фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мулкӣ жавобгарликдан бошқа оқибатларни келтириб чиқармаслиги [14, Б.38-39].

Бу борада ушбу муаммо буйича тадқиқот олиб борган Д.М.Кушбаков шундай ёзади: "Юридик шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш асосларини шакллантиришда жиноятнинг юридик шахс манфаатлари йўлида содир этилганлигини акс эттириши лозим" [6].

Биз юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш муаммоси билан шуғулланган олимларнинг меҳнатлари, халқаро резолюцияларда кўрсатилган таклифлар, чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юридик шахслар жиноят субъекти сифатида жавобгарликка тортилиши керак деган фикр билдирамиз.

Бизнинг фикримизча, жиноят ҳуқуқи принципларига янгича қўз билан қараш замон талаби. Чунки, мамлакатимизда хусусий мулк шаклининг ривожланиши жиноят ҳуқуқи тамойилларини замонга мослаштиришни тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида юридик шахслар ҳаракат қилувчи субъектлар

ҳисобланади. Улар томонидан келтириладиган зарар (айниқса, экология соҳасида) жисмоний шахс томонидан келтириладиган зарарга нисбатан бир неча баробар ижтимоий хавфли ҳисобланади. Улар учун фуқаролик-ҳуқуқий тартибга белгиланадиган жазо содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракат (ҳаракатсизлик) даражасига мос эмас. Шунингдек, бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш умумбашарий даражага кўтарилган, атроф-муҳитга келтирилган негатив антропоген таъсир ўз чегарасига етганда, табиий муҳитнинг деградацияси қайта тикланмайдиган даражада бўлиб қолади. Шу сабабли юридик шахсларнинг экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлиги масаласи жиноят ҳуқуқида ижобий ўз ечимини топиши керак деб ҳисоблаймиз.

Юридик шахсларни сув ҳавзалари ва ҳавони ифлослантиргани, радиациявий хавфсизлик қоидаларини бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш масаласини П.В.Повелицына таклиф этган эди [15, 31-33.].

Фикримизча, юридик шахслар ер, сув, атмосфера ҳавосини ифлослантиргани учунгина эмас, балки юридик шахслар айби билан атроф-муҳитнинг ифлосланиши вужудга келадиган экология соҳасидаги барча жиноятлар учун ҳам белгиланиши керак.

Экология соҳасидаги жиноятлар учун юридик шахсни жавобгарликка тортиш зарурияти бутун дунё бўйича иқлим ўзгаришлари ва ҳавонинг глобал қизиши, озон қатламининг сийраклашиши, сув ресурслари танқислиги, бизнинг минтақамизга хос бўлган Орол денгизининг қуриб кетишидан вужудга келган оғир экологик ҳолат муаммоларидан келиб чиқади. Бундай ҳолатда атроф-муҳитни ифлослантирувчи омилларнинг (бу ерда *атроф-муҳитни ифлослантирувчи стационар омиллар (саноат корхоналари, коммунал ва қувват ишлаб чиқарувчи объектлар)* назарда тутилади. *Атмосферага стационар омиллардан 150 атамадаги турли хил, жумладан 1 синф хавфлилигидаги ифлослантирувчи моддалар чиқарилиб ташланади*) имкон қадар атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга, уни ифлослантиришнинг олдини олишга эътибор янада кучайтирилиши керак.

Экология соҳасидаги жиноятларда, аксарият ҳолларда, атроф-муҳитнинг ифлосланиши жисмоний шахснинг айбидан қатъи назар келиб чиқади. Атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши курашнинг асосий муаммоси, Т.Рошнинг фикрича, асосий ифлослантирувчилар саноат ва йирик корхоналарнинг иқтисодий фаолияти ҳисобланади. Атроф-муҳит ифлосланишида жисмоний шахсларнинг улуши юридик шахслар билан солиштирганда аҳамияти катта эмас [16, Б.74-88.]. Масалан, чиқиндиларни тозаллагич асбоб-ускуналари эскирган, корхонанинг фаолият юритишида бу яққол кўзга ташланади. Бундай ҳолларда объектив жавобгарликка тортиш келиб чиқмаслиги учун юридик шахснинг жавобгарлиги масаласи ҳам қаралиши керак.

Амалиётда атроф-муҳитга келтирилган зарар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги иқтисодий суди томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тартибда кўрилади.

Шу ерда жиноят ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий тартибда юридик шахсларнинг жавобгарлигини ажратиб кўрсатиш зарурлиги келиб чиқади. Бу фарқ қуйидагилардан иборат:

Жиноят ҳуқуқий жавобгарлик атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қарши содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун белгиланади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик эса, табиат объектларига мулкӣ хусусиятдаги зарар келтирилганда белгиланади.

Жиноий жавобгарликда ижтимоий хавфли ҳаракатнинг (ҳаракатсизликнинг) баҳоланиш даражаси бошқача бўлади: хўжалик ҳуқуқбузувчилиги сифатида эмас, балки, инсон соғлиги ва тирик ресурсларга (фауна, флора), табиатга қарши ижтимоий хавфли ҳаракат (ҳаракатсизлик) сифатида баҳоланади [3, Б.11.].

Фуқаролик-ҳуқуқий тартибда зарарнинг ундирилиши албатта пул шаклида бўлишини талаб қилади. Атроф-муҳитга келтирилган зарар оқибати дарров ва аниқ кўзга кўринмайди ва уни пул шаклида баҳолаш маълум даражада қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолатларда юридик шахсларни жавобгарликка тортмаслик (етарли даражада жавобгарлик белгиланмаслик) энг аввало, атроф-муҳитнинг ифлосланишининг давом этишига олиб келса, бу юридик шахслар учун жавобгарликни назарда тутилмаганлигига

асос яратади.

Жинойт кодексида юридик шахслар учун жазонинг белгиланиш тартиби масаласига келсак, назаримизда, агарда қонун чиқарувчи қачондир юридик шахсни жиноят субъекти сифатида тан оладиган бўлса, назаримизда, уларнинг жавобгарлиги масаласи Жиноят кодексининг Умумий қисмида, жисмоний шахслардан алоҳида, махсус моддаларда кўзда тутилиши керак.

Шундай қилиб, **Жиноят кодексининг 17-моддаси биринчи қисмини** қуйидаги таҳрирда баён этиш тавсия этилади:

“Жиноят содир этиш вақтида ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс, шунингдек юридик шахс жиноий жавобгарликка тортилади”.

Бундан ташқари, Жиноят кодексига алоҳида 17¹- 17²-моддаларини киритиш таклиф этилади.

17¹- моддаси. Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги

Юридик шахслар фақатгина ушбу Кодекснинг тегишли моддасида белгиланган ҳолларда жиноий жавобгарликка тортилади.

17²- моддаси. Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги асослари

Юридик шахс ушбу Кодексда назарда тутилган жиноятларни, шахс томонидан юридик шахс номи билан ёки ундан фойдаланиб ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганда, жиноятни содир этган шахс аниқланган-аниқланмаганидан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилади.

Юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги, шу жиноят учун жисмоний шахснинг жиноий жавобгарлигини истисно этмайди.

Шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш, юридик шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

Жиноий жавобгарлик юридик шахсни жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш мажбуриятдан ва унга нисбатан қўлланилган қонунчиликда белгиланган бошқа жавобгарлик чораларидан озод қилмайди.

Жиноятни содир этган жисмоний шахснинг айби аниқланмаган ҳолларда, юридик шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Юридик шахсларнинг экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлиги тегишли моддасида белгиланиши масаласига келсак, ўша моддага қўшимча равишда модданинг қисмини киритиш таклиф қилинади. Мисол учун: Жиноят кодекси 193-моддаси 1-қисмига,

Саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларни норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган қилмиш учун юридик шахс тугатилиши ёки уч йилгача фаолият юритиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

Албатта, юридик шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки чеклаш каби жазоларни қўллаш мумкин эмас. Хорижий давлатларнинг юридик шахсларга нисбатан жазо қўллаш тажрибасидан кўриниб турибдики, айбдорларга жарима солиш кенг тарқалган.

Юридик шахсларга нисбатан қуйидаги жазоларни қўллаш мумкин: жарима (асосий ва қўшимча жазо сифатида); юридик шахсни фаолият юритиш ҳуқуқидан маҳрум этиш

(муддати белгиланган ҳолда); юридик шахсни тугатмоқ (юридик шахснинг хавфсизлиги атрофга хавф туғдирадиган бўлса ва ушбу камчиликни бартараф қилиш чораларини кўрмаган бўлса).

Демак, юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, юридик шахс ижтимоий хавфли ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун, энг аввало экологияга келтирган зарари учун жиноий жавобгарликка тортилиши керак. Бу эса, атроф-муҳитни бутунлай вайрон қилишдан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Иқтибослар /Сноски /References:

1. Наумов А.В. Уголовная ответственность юридических лиц (доктринальное и правотворческие аспекты). / Право и государство. №1-2 (74-75), 2017. - С.106-118.
2. Фаткулин С.Т. Предупреждение экологических преступлений, совершаемых юридическими лицами. /Виктимология №1(7) /2016, -С. 48-52.
3. Жевлаков Э. К вопросу об ответственности юридических лиц за совершение экологических преступлений // Уголовное право. 2002. №1 С.10-13
4. Нуртаев Р.Т. О субъекте экологического уголовного правонарушения// Право и государство, № 1-2 (78-79), 2018. -С.120-129
5. Никитин А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности / Никитин А.С. - М.: ЮрИнфоР, 2002. – С.204.
6. Кушбаков Д.М. Юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг хусусиятлари //Academic research in educational sciences volume 2 | issue 5 | 2021. -С.1029-1037.
7. Otajonov A.A. Criminal liability of legal entities: issues of theory, legal regulation and law enforcement practice. World Bulletin of Management and Law. 2023. – № 29. –Р. 26-31. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wbml/article/view/3515>
8. Бажанов М.И. Избранные труды/М.И.Бажанов; [сост.: В.И.В.И.Тютюгин, А.А.Байда, Е.В.Харитонов, Е.В.Шевченко; отв.ред. В.Я.Таций]. -Харьков: Право, 2012. -С.1244.
9. Качалов В.В. Уголовная ответственность юридических лиц: критический анализ аргументов против // Lex Russica. № 12 (121) декабрь 2016 –С.32-41
10. Пряхина Н.И. Перспективы уголовной ответственности юридических лиц за экологические преступления/ Петербургский юрист.2017. №2 –С. 44-72
11. Ахбаров Б., Баратов М. Ўзбекистон Республикасида юридик шахслар жавобгарлигининг айрим жиҳатлари // Одил судлов. – 2020. – № 5. – Б. 35–41.
12. Уваров В. В., Уголовная правосубъектность юридических лиц по российскому законодательству: Зарубежные авторы / Уваров, В. В. // Предупреждение преступности. - 2011. - № 5-6. - С. 39-43.
13. Джабаров М.Д., Рустамбаев М.Х., Якубов А.С. Концепция законодательства Республики Узбекистан о преступлениях и наказаниях.-Т.: Высшая школа МВД РУ. 1994. -С.21.
14. Якубов А.С. Правовая основа учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. Автореф. дисс. ...доктора юрид. наук. -Т., 1996. -С.37-39.
15. Повелицына П.В. Уголовно-правовая охрана природы в СССР. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. -М., 1981.–С.33.
16. Rotsh T. Theoretical problems of criminal-environmental law - a view from Germany // State and Law. 2007 №2. P. 74–80.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА

LAWYER HERALD

АКБАРОВ Саидакбархон Рустам уғли
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича
вакил девони етакчи инспектори

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲАМДА СОҲАДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): АКБАРОВ С.Р.
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги
ислоҳотлар ҳамда соҳадаги айрим муаммоларни бартараф этиш масалалари // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2024) Б. 78-89.



3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчилик даражасини янада пасайтириш ҳамда жиноят содир этишга ва бошқа ҳуқуқ бузишларга мойил бўлган шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Бу борада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, келгусида бу каби ҳолатларнинг олдини олишга доир қонунчиликни мустаҳкамлаш ва уни самарали татбиқ этиш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини илгари сурилиб тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноят содир этиш, ижобий ижтимоий йўл, Жазони ижро этиш муассасалари, маъмурий назорат, маъмурий чекловлар

АКБАРОВ Саидакбархон

Ведущий инспектор аппарата Уполномоченного при
Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов
субъектов предпринимательства
E-mail: akbarov3700@mail.ru

ВОПРОСЫ РЕФОРМ В ОБЛАСТИ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ И БОРЬБЫ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ, А ТАКЖЕ УСТРАНЕНИЯ ОПРЕДЕЛЕННЫХ ПРОБЛЕМ В ДАННОЙ СФЕРЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы профилактики правонарушений в нашей стране и дальнейшего снижения уровня преступности, а также совершенствования

профилактической работы, проводимой с лицами, склонными к совершению преступлений и иных правонарушений. Были проанализированы принятые нормативно-правовые акты и разработаны рекомендации по причинам возникновения совершаемых правонарушений и преступлений, по укреплению законодательства о предотвращении подобных случаев в будущем и для его эффективной реализации.

Ключевые слова: предотвращение преступления, совершение преступления, преступление, административный контроль, административные ограничения.

AKBAROV Saidakbarkhon

Republic of Uzbekistan and President
the rights of business subjects and to protect legal interests
leading inspector of representative office
E-mail: akbarov3700@mail.ru

REFORMS IN THE FIELD OF CRIME PREVENTION AND THE FIGHTING OF CRIME AND ISSUES OF ELIMINATING CERTAIN PROBLEMS IN THE FIELD

ANNOTATION

The article covers the issues of crime prevention and further reduction of the level of crime in our country, as well as improvement of prevention work with persons prone to committing crimes and other violations of rights. In this regard, the adopted regulatory legal documents were analyzed, the reasons for the violations and crimes committed, the strengthening of the legislation on the prevention of such cases in the future and its effective implementation were put forward and recommendations were developed.

Keywords: crime prevention, crime commission, crime, positive social path, Penitentiary institutions, administrative control, administrative restrictions

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ халқнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгиланиб келинмоқда. Хусусан, илгари судланганлар томонидан такроран жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларда ижобий ижтимоий йўлга кириб олишини шакллантириш мақсадида 1992 йил 9 декабрь куни «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишнинг шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги ЎРҚ-532-сонли «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги Қонунига асосан ўз кучини йўқотган. Ушбу қонунда маъмурий назорат ўрнатиш тартиби, назорат муддатлари, маъмурий назорат чоғида белгиланадиган маъмурий чекловлар белгиланган. Назорат остидаги шахсларга нисбатан суднинг содир этилган қилмишнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолдаги қарори асосида қўйидаги маъмурий чекловлар белгиланиши мумкин:

- яшаш жойидан сутканинг белгиланган вақтида ташқарида бўлишни тақиқлаш;
- муайян жойларда бўлишни тақиқлаш;
- суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ички ишлар органларининг рухсатсиз чиқишни тақиқлаш;
- рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига (ички ишлар органининг таянч пунктига) келиш;
- алкогольли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш.

Шунингдек, мамлакатда жиноятчилик даражасини янада пасайтириш ҳамда

жиноят содир этишга ва бошқа ҳуқуқ бузишларга мойил бўлган шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларини такомиллаштириш мақсадида 1999 йил 15 март куни Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 113-сон қарори қабул қилинган [1]. Мазкур қарор билан шахслар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида – жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссиялар, жойларда – жамоат тартибини сақлашни таъминлашда ички ишлар органларига кўмаклашиш учун «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ҳамда ҳар бир фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органида – илгари судланган, сурункали алкоголизмга чалинган ва маиший турмушда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш учун оқсоқоллар, фахрийлар, аёллар ва ёшлардан, маданият ва дин вакилларида иборат яраштириш комиссиялари ташкил этилган эди ҳамда ички ишлар органларининг профилактика хизмати таркибида жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахслар билан ишлаш бўлинмалари ташкил этилиб, такрорий жиноятчиликнинг олдини олишни яхшилаш, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш ва оғир жиноятлар содир этган шахслар хатти-ҳаракатини тиббий-психологик ўрганиш учун ҳар бир жазони ижро этиш муассасаси штатига психолог лавозими киритилган.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар давом эттирилиб, 1999 йил 12 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Тошкент шаҳар ИИББ таркибидаги жиноятларнинг олдини олиш бўлими негизида Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ташкил этилди. Ушбу бошқарма таркибига Жазони ижро этиш бошқармаси таркибидаги озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминловчи таркибий тузилмалар ҳам ўтказилди. Худди шундай функционал ислохотлар Тошкент шаҳрининг барча туман ИИБларида амалга оширилиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимлари, ҳар бир маҳаллада эса кечаю кундуз фаолият юритувчи, ички ишлар идораларининг энг қуёи бўғини ҳисобланган, мазмун ва моҳиятига кўра мутлақо янги шаклдаги милиция таянч пунктлари ташкил этилди. Шу вақтгача маъмурий ҳудудларда фаолият олиб борган участка инспектори лавозими ўрнига функционал мажбуриятлари асосан жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлган профилактика инспектори лавозими жорий этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сонли қарори [2] ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, пойтахтда, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятлар сонини кескин камайтириш орқали криминоген вазиятни яхшилашга қаратилган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур қарор билан, Тошкент шаҳридаги туман ички ишлар бошқармалари (бўлими) негизида туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ҳудудлари доирасида куч ва воситаларни мақсадли тақсимлаган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ҳамда шаҳар ички ишлар бўлимлари ички ишлар бўлимлари сифатида қайта ташкил этилди ва улар зиммасига секторлар ҳудудларида жамоат тартиби сақланиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни амалга ошириш учун жавобгарлик юклатилди [3].

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги 360-сонли қарори [4] қабул қилиниши ушбу тизимнинг имкониятларини янада кенгайтириш орқали жамиятда вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилигининг олдини олишда жамоатчиликнинг ролини кучайтиришга хизмат қилди. Ҳозирги кунда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон Фармонида мувофиқ, «Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари» тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари этиб қайта ташкил этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартда «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши билан, энг аввало, Тошкент шаҳрида амалга оширилган ислохотлар натижасида пойтахтда криминоген вазиятнинг барқарорлашгани, ички ишлар идоралари фаолиятидаги муаммолар, республикадаги криминоген вазиятни мураккаблаштирувчи омиллар таҳлили асосида Ички ишлар вазирлигининг мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминловчи барча тизимлари тубдан ислох қилиниши зарурлиги асослаб берилди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида 2001 йил 6 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, республиканинг барча ҳудудларидаги ички ишлар идоралари таркибида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг моҳиятан мутлақо янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўтказилган ислохотлар натижасида профилактика (катта) инспектори лавозимлари кескин кўпайтирилди, уларнинг ваколати кенгайтирилди, фаолияти такомиллаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги «Ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 162-сон қарори [5] қабул қилиниб, милиция таянч пунктларини: *биринчидан*, ҳар қандай вақтда ва ҳолатда муҳтож фуқарога ёрдам кўрсатадиган; *иккинчидан*, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қиладиган; *учинчидан*, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил эта оладиган; *тўртинчидан*, ички ишлар идораларининг жамоат тузилмалари ва аҳоли билан узвий ҳамкорликда фаолият юритиши учун барча шароит мавжуд бўлган масканга айлантиришга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 августдаги «Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар қаровсизлиги ва улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги 301-сон қарори [6] билан Тошкент шаҳрида болалар ва ўсмирлар қаровсизлигини, улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига қарашли Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази тугатилиб, унинг негизида Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳар ИИББ тасарруфидаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ташкил этилди. Марказ вояга етмаганлар ўртасида қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини амалга оширувчи, уларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига жойлаштириш учун жўнатиладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш учун бошқа давлатларнинг шундай муассасаларидан келтириладиган вояга етмаганларни қабул қилувчи муассаса ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

Юқоридагилар билан бирга, миллий қонунчилигимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлари босқичма-босқич мустаҳкамланаётгани вояга етмаган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг пухта ўйланган тизимини яратиш имконини берди.

Табиийки, болалар ўз ҳуқуқларидан тўла-тўқис фойдаланиш, ўзларини ҳимоя

қилишнинг ҳуқуқий воситаларини ишга солишга қодир бўлмайди. Ота-она, оила, васийлик қилувчилар ҳамда болаларга ғамхўрлик қилишни зиммасига олган бошқа шахслар уларнинг бахтли ҳаёти учун масъул ва жавобгардир.

Вояга етмаганларнинг ижтимоий муносабатларда қатнашуви ана шундай ўзига хос томони билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда вояга етмаган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар ҳамда васийлик органларининг масъулиятини кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг норматив базасини янада такомиллаштириш мақсадида 2010 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан қуйидагилар белгилаб қўйилди:

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимига кирадиган органлар, муассасалар ва уларнинг асосий вазифалари, фаолиятининг принциплари ва йўналишлари, шунингдек ваколатлари;

- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ҳамда оилалар билан яқка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш асослари ва тартиби;

- вояга етмаганларнинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш тартиби ва асослари.

Мазкур қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимига кирувчи органлар ва муассасаларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришдаги масъулиятини кучайтириш, болаларнинг девиант хулқ-атворини эрта аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сонли ва 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 47-сонли қарорлари қабул қилиниб, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини кенгайтирди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 октябрдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 805-сонли қарори билан жамоатчилик тузилмаси раҳбарини фуқаролар йиғини раиси ва ҳудудий ички ишлар органининг профилактика инспектори тавсияномасига асосан ички ишлар органлари томонидан кадрлар захирасига киритилиши белгилаб қўйилди. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 июлдаги 497-сонли «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳақида»ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

Мазкур қарор билан Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг гувоҳномаси, кўкрак нишони ва хизмат сумкаси ҳамда фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг хизмат кийимларини тайёрлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилиши ва Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг тузилма фаолиятига оид ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида фуқаролар йиғини раиси томонидан бериладиган йўлланма асосида тегишли ҳудудларда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари ўқув базасида ҳар йили бир маротаба ҳафталик ўқув йиғинида бепул малака оширишлари белгиланди. Ислохотлар натижасида мазкур қарор ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 июндаги 391-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш

ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони)»ги қарорига асосан ўз кучини йўқотди.

2014 йил 14 майда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини либераллаштириш ва демократлаштиришни янада кучайтиришга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликни янада самарали ташкил қилишга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини ва бу борада жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мазкур қонун нормаларида белгиланган талаблар ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 4 ноябрдаги 36, 18, 49-ққ ва 56-сонли қарори билан тасдиқланган «Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада (рўйхат рақами 2627, 21.11.2014 й.) ҳуқуқбузарлик фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар аниқланган тақдирда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ёки таълим муассасалари ёхуд давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ёки соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан зудлик билан ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига хабар қилишнинг ҳуқуқий механизми белгилаб қўйилди.

2017 йил 7 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 60-сон қарори қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга оширилишини таъминлаш жараёнида ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларидан бири ҳисобланган расмий огоҳлантиришни қўллашнинг ҳуқуқий асосини белгилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони [7] билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи – «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари» доирасида амалга ошириладиган асосий вазифалардан бири сифатида «Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш» белгиланди ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга ошириш тизими тубдан ислоҳ этилди. Мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятнинг сезиларли даражада яхшиланишига эришилди.

Ҳаракатлар стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларида қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланди. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини

жорий этиш мақсадида 2017 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон қарори [8] қабул қилинди.

Мазкур қарор талаблари асосида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, бунда айниқса вояга етмаганлар ва ёшларга эътибор қаратиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш борасидаги ишларнинг самарадорлиги оширилди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимлари профилактик ишларга кенг жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сон қарорига асосан вилоят, туман ва шаҳарлар худудлари секторларга бўлинди [9]. Секторларда ҳокимлик, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоатчилик вакиллари мавжуд муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, халқнинг оғирини енгил қилишга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги «Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 939-сон қарори [10] асосида мазкур худудлардаги ички ишлар бошқармаларида хавфсиз туризмни таъминлашга масъул тузилмалар ташкил этилди. Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаларининг бошлиқлари лавозимлари жорий этилиб, уларнинг мақоми вилоят ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарларига тенглаштирилди. Янги тузилган бошқармалар хорижий тилларни биладиган малакали ходимлар билан таъминланди.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида жамоат тартибини сақлаш, аҳолига ва меҳмонларга соҳа бўйича зарур хизматларни кўрсатиш учун патруль-пост хизматлари ходимлари бир эркак ва бир аёл таркибидаги гуруҳда хизмат олиб бориши тажриба сифатида йўлга қўйилди.

Шунингдек, 2018 йил 8 январь куни қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-сонли қарори [11] жамоатчилик вакилларини жиноятчиликни жиловлашга кенг жалб этиш учун муҳим асос бўлганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Эндиликда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда фаол иштирок этган фуқароларни энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваригача миқдорда мукофотлаш тизими жорий этилиб, уларни жиноятчиликка қарши курашишга жалб этиш учун янада кенгроқ имконият яратилди.

Юқоридагилар билан бирга 2021 йил 29 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-27-сон Фармони ва 2021 йил 30 ноябрдаги «Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг юридик йўналишдаги билимларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-23-сон қарори қабул қилиниб, улар асосида республикамизда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги тизими жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармон ва қарори мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини сифат жиҳатдан янада янги босқичга кўтарилишини таъминлайди.

Шубҳасиз, Президентимизнинг ушбу фармон ва қарорларининг қабул қилинганлигини

улкан тарихий воқеа ҳамда уларни тарихий ҳужжатлар сифатида эътироф этиш мумкин!

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси ва 2022–2025 йилларда Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ички ишлар органлари зиммасига 100 дан ортиқ катта ҳажмли вазифалар юклатилган.

Концепцияда жамоат хавфсизлиги соҳасидаги асосий тушунчаларга изоҳ бериб ўтилган. Жумладан, жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди [12].

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, жумладан, қуйидагилардан иборат:

ҳар қандай кўринишдаги террористик ва экстремистик фаолиятни аниқлаш ва унга чек қўйиш, коррупция, гиёҳванд ва психотроп моддалар, қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш;

ижтимоий инфратузилманинг, шу жумладан туризм объектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;

транспорт инфратузилмасини, транспорт воситаларининг хавфсизлик стандартларини ва йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш орқали йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида етказиладиган зарар ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш;

жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробация назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, шу жумладан уларни касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш ва бошқалар.

Концепцияни амалга оширишнинг пировард натижасида жамоат хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишлатилигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини самарали татбиқ этиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли ва самарали механизмларини жорий этиш ҳисобланади.

Шу вақтга қадар ички ишлар органлари тарихида муайян соҳани тубдан ривожлантириш бўйича бу даражадаги кенг қўламли чора-тадбирларни ўз ичига олувчи концепция ва стратегиялар қабул қилинмаган.

Ушбу тизимда янги иш услубларини жорий этишга, шахсий таркибнинг хизмат ва жанговар тайёргарлигини оширишга ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга муносиб даражада хизмат қилади.

Фармонга кўра, Вазирлик таркибида ташкил этилган Жамоат хавфсизлиги Департаментининг асосий вазифалари белгиланиб, Департамент ҳамда вазирликнинг ҳудудий тузилмаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантириш жамғармалари ташкил этилади.

Бунда, ҳудудий жамғармалар профилактика инспекторлари томонидан уларга тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича ундирилган (қайси орган томонидан ундирилишидан қатъи назар) маъмурий жарималар маблағлари ҳисобидан шакллантирилиб, уларнинг 10 фоизи Департамент жамғармасига келиб тушади.

Шунингдек, жамғарма маблағларини ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари барча ходимларини рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя

қилиш учун сарфланиши белгиланди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунга қадар профилактика инспекторларининг 128 тадан ортиқ вазифа ва функциялари мавжуд эди, бунча вазифани бажаришнинг имкони йўқ эди.

Мазкур фармон билан профилактика инспекторларидан ортиқча ва кераксиз юкламалардан озод қилиниб, уларнинг мавжуд 128 та вазифалари 22 тага мақбуллаштирган ҳолда қатъий рўйхати тасдиқланди.

Бундан буён, профилактика инспекторларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб қилиш ҳамда фаолиятига асоссиз аралаштириш амалиётига чек қўйилади.

Халқ депутатлари кенгашининг қарорларига асосан янги маҳаллалар ташкил этилганда, *профилактика инспектори штат бирликлари ҳудуднинг криминоген* вазияти ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар вазирининг буйруғи билан эълон қилинади.

2024 йил 1 сентябрдан Тошкент шаҳрида, 2025 йил 1 сентябрдан эса бошқа ҳудудларда профилактика катта инспектори (3 384 та) лавозимларига фақат олий юридик маълумотга эга ходимлар тайинланиши белгиланди.

Шу мақсадда, департамент бошлиғи тавсияномасига асосан 3 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган, касбига фидоий 100 нафар профилактика инспектори Тошкент давлат юридик университети ва бошқа юридик олий таълим муассасаларининг сиртқи бўлимларига алоҳида квота бўйича тўлов-контракт асосида қабул қилиш белгиланмоқда.

Фаолиятида юқори натижаларга эришган Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидан 2 тадан, қолган ҳудудлардан 1 тадан профилактика инспектори Департамент бошлиғи тақдимномасига асосан ИИБ Академиясининг сиртқи таълимига имтиҳонларсиз қабул қилиниб, бепул ўқитилади. Шунингдек, профилактика ва пробацация инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолашда самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизими жорий этилади.

Профилактика инспекторларини халққа яқин, фуқаролар билан ҳамнафас бўлиши, улар билан бирга хизмат қилишларини инобатга олиб, ҳар бир профилактика инспектори учун ўзи хизмат қилаётган маҳалла гузарида хизмат уйи қуриб берилмоқда ўз оиласи билан ўзи хизмат қилаётган маҳаллада яшайпти.

Мазкур фармон билан ҳудудларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш фаолиятини янада самарали ташкил этишнинг янги механизмлари жорий этилиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, криминоген вазият ҳақидаги маълумотларни маҳаллалар кесимида таҳлил қилиш электрон тизими яратилиб, ҳудудларни “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратиш тартиби жорий этилди.

Ҳудуддаги секторлар раҳбарларининг жиноятларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятининг ташкилий механизмлари белгилаб берилди.

Унга кўра, сектор раҳбарлари “яшил” тоифадаги маҳаллаларда амалга оширилган ишларни бевосита ўрганиб чиқиши ҳамда ижобий иш услублари, амалга оширган тадбирларни секторнинг “сарик” ва “қизил” тоифадаги маҳаллаларида оммалаштириш чораларини кўриши белгиланди.

Маҳаллаларда жиноятчилик ҳолатини баҳолашда олди олиниши мумкин бўлган 48 та турдаги жиноятлар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97, 98, 99, 103, 104, 105, 106, 109, 110, 112, 115, 118, 119, 122, 123, 125, 126, 128, 129, 132, 134, 136, 137, 138, 139, 140, 141, 141¹, 142, 164, 165, 166, 169, 170, 173, 215, 217, 219, 225, 229, 244, 245, 249, 263, 263¹, 267, 269 ва 277-моддаларида назарда тутилган жиноятлар) [13] аниқ белгилаб олинди.

Маълумки, ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни ўз

вақтида бартараф этишдан иборатдир. Шу боисдан, амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим ҳудудларда ҳамон жиноятларнинг сезиларли даражада камайишига эришилмагани, баъзи жиноят турлари эса кўпайгани каби камчиликларга йўл қўйилаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, қатор маҳаллаларда профилактик тадбирларнинг самарадорлиги таъминланмасдан, ҳуқуқ-тартибот идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги талаб даражасида йўлга қўйилмагани ҳолатлари учраб турибди.

Профилактика инспекторларининг салоҳияти, билим ва малакаси бугунги талабларга жавоб бермаяпти, яъни бундай вазифага фидойи ёшлар сафарбар этилмаётгани, рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилмагани сабабли ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда посбонлар иштироки сезилмаётгани, кўрилатган чораларга қарамай фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар кескин камайишига эришилмаётганини қайд этиш лозим. Бундай жиноятларнинг асосий сабаблари фуқаролик муносабатларини қонун доирасида амалга оширмасликка бориб тақалади. Оқибатда, бу айрим содда одамларнинг жиноят қурбони бўлишига олиб келмоқда [14]. Шунингдек, ҳозирги кунда профилактика инспекторлари хизмат фаолиятини талаб даражасида бажаришларида қуйидаги муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд:

- профилактика инспекторларининг асосий таркибий қисми ёш ва ички ишлар органида қисқа муддатдан буён хизмат қилаётган, ички ишлар органларининг бошқа бўлинмаларидан интизомий жазо чораси сифатида ёхуд бошқа салбий ҳолатларга кўра ўтказилаётган, иш тажрибасига эга бўлмаган ҳамда бошқа мутахассислик бўйича олий таълим муассасаларини тамомлаган ходимлардан иборат эканлиги уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда;

- айрим профилактика инспекторлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ички ишлар органлари иш самарадорлигини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган ислохотлари юзасидан қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етмаяпти; бунинг оқибатда ўзи хизмат ўтайдиган ҳудудда ишларни ташкил қилиш ва аҳоли билан олиб борилаётган профилактик тадбирлар ҳамда фуқаролар билан бўладиган мулоқотлар жараёнида масаланинг қонуний ечимини тўлиқ тушунтириб беролмай, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда;

- аксарият профилактика инспекторлари Интернет тармоғидан эркин фойдаланиш имкони йўқлиги боис ўз хизмат фаолиятида сўнгги инновацион технологияларни қўллай олмайдилар;

- улар ўз юритивида бўлган танжароҳати билан боғлиқ ҳолатлар бўйича мурожаатлар юзасидан қонуний қарор қабул қилиш мақсадида жароҳатнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун фуқаролар даволанган шифохоналардан касаллик тарихини олиш, шунингдек ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида яккаю ягона бўлган Олмазор туманидаги суд-тиббий экспертизасига бориб, яқуний экспертиза хулосасини олиш учун хизмат ҳудудини тарк этиб, камида 2–4 соат вақт йўқотишга мажбур бўлмоқдалар;

- бозорлар ҳудудида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун маҳаллага бириктирилган профилактика инспекторлари ажратилиши оқибатида уларга бириктирилган ҳудудлар очиқ қолаётгани боис уларнинг маҳалладаги хизмат вазифалари бошқа маҳаллалардаги профилактика инспекторларига тақсимлаб берилмоқда;

- кўп жойларда маҳалла посбонларининг сардорлари ўз вақтини маҳалла фуқаролар йиғинининг раислари билан ўтказиб, фақат маҳалла фуқаролар йиғини раисининг топшириқларини бажариб келиши оқибатида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида профилактика инспекторлари билан ҳамкорлиги талаб даражада эмас;

- жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ўтказилаётган профилактик тадбирларда ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик

вакиллари ҳамда мутасадди идоралар ходимлари фаол иштирок этмаётгани боис бундай тадбирларни ташкил қилиш асосан профилактика инспекторлари зиммасида қолиб кетмоқда;

- профилактика инспекторлари томонидан аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жарималар қонунда белгиланган муддатда ҳуқуқбузарлардан ундирилмаслиги натижасида белгиланган жарималарини мажбурий ундириш учун маъмурий баённома ва ҳужжатлар ҳуқуқбузарларнинг доимий яшаш манзили бўйича мажбурий ижро бўлимларига юборилиши, аммо мажбурий ижро ходимлари белгиланган манзилга борганларида ҳуқуқбузарлар содир этган ҳуқуқбузарликларини тан олмасликлари оқибатида Ўзбекистон Президентининг виртуал қабулхонаси ва ИИВ «ишонч телефон»ига профилактика инспекторларидан норози бўлиб мурожаатлар келиб тушмоқда;

- ҳозирги вақтда ички ишлар органлари фаолияти жараёнида кўча ва жамоат жойларида ўртача ва оғир маст ҳолатдаги, ўзи ҳақида маълумот бера олмайдиган шахслар аниқланганида уларни жойлаштириш учун махсус муассасалар мавжуд эмас;

- гиёҳвандлик ва сурункали ичкиликбозлик ташхиси қўйилиб, мажбурий даволашга юборилаётган беморларни жойлаштиришиш учун ётоқ ўринларининг камлиги уларнинг узоқ вақт кутишига ва фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда;

- содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, келгусида бу каби ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган сайёр учрашувларнинг айримлари жойларда тайёргарлик кўрилмасдан, фақат профилактика инспектори ёки маҳалла раиси иштирокида ўтказилаётгани, ўз вақтида таъсирчан чоралар кўрилмаётгани сабабли, бугунги кунда аҳоли билан олиб борилаётган тадбирларда ижобий натижаларга эришилмаяпти.

Мазкур камчилик ва муаммоларни ҳал этиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

- Қабул қилинган янги қонун, фармон, қарорлар ҳамда норматив ҳужжатлар бўйича юридик терминларга шарҳ берилган ҳолда ихчам ўқув-методик қўлланмалар тайёрлаб, уларни профилактика инспекторлари ва ўзини ўзи бошқариш органларига хизмат фаолиятида фойдаланиш учун етказиш;

- профилактика инспекторлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ҳар чоракда сайёр ўқув-семинар ва тренинг машғулотлари ўтказишни йўлга қўйиш;

- ички ишлар бошқармаларининг «102» ягона телефон рақами бўйича келиб тушаётган жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни терговга қадар текширув якунлари бўйича қабул қилинадиган жиноят ишини кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

- Тошкент шаҳрининг йирик бозорлари ва савдо мажмуаларида ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш масаласини кўриб чиқиш;

- спиртли ичимлик таъсирида бўлган, ўзининг шахси ва яшаш манзили тўғрисида маълумот бера олмайдиган, шунингдек жамоат жойларида инсон шахсиятини ва жамоатчилиكنи таҳқирловчи ўрта ва оғир мастлик даражасида пайдо бўлган шахсларни жойлаштириш учун махсус тиббий хушёрхоналар фаолиятини қайта жорий этиш;

- ички ишлар органларида хизмат қилиб, ҳозирги кунда нафақада бўлган меҳнат фахрийларининг иш ва ҳаётий тажрибаларидан фойдаланиш мақсадида уларни яшаш жойлари бўйича профилактика инспекторларига жамоатчилик асосида бириктириш, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириш бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- профилактика инспекторларига хизмат фаолияти давомида Интернет ижтимоий тармоғидан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

- «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаблари ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш

ва амалга ошириш тизимини самарали йўлга қўйиш мақсадида «Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш концепцияси»ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.03.1999 йилдаги «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 113-сон қарори // lex.uz/docs/279072 (Хужжат кучини йўқотган 22.02.2021)
2. O 'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni // URL: <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сонли қарори // <https://lex.uz/uz/docs/3786903>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.09.2000 йилдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги 360-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/366769> (Хужжат кучини йўқотган. 27.06.2017)
5. Вазирлар Маҳкамасининг 16.05.2002 йилдаги «Ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 162-сон қарори // <https://www.lex.uz/uz/docs/1694143> (Хужжат кучини йўқотган. 04.05.2018)
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.08.2002 йилдаги «Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар қаровсизлиги ва улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги 301-сон қарори // <https://lex.uz/docs/294125?ONDATE=26.08.2002> (Хужжат кучини йўқотган. 22.02.2021)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/3141186?ONDATE=07.07.2021>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сон қарори <https://lex.uz/docs/3302438>
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги «Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 939-сон қарори <https://lex.uz/docs/3422680>
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-сонли қарори <https://lex.uz/docs/3499747?ONDATE=31.01.2023%2000>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 29 ноябрь ПФ-27-сон Фармони <https://lex.uz/docs/5749291>
13. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453>
14. Мирзиёев Ш.М. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // <http://uza.uz> (15-11-2017 й.).

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА

LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА Нигорахон Равшановна

Старший преподаватель кафедры «Международное публичное право и государственно-правовые дисциплины» Университета мировой экономики и дипломатии, доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: fnigora@mail.ru

СУБЪЕКТЫ МЕЖДУНАРОДНОГО КУЛЬТУРНОГО ПРАВА И ИХ МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАВОСУБЪЕКТНОСТЬ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ФАЙЗУЛЛАЕВА Н. Субъекты международного культурного права и их международная правосубъектность // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2024) С. 90-98.



3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3-11>

АННОТАЦИЯ

В настоящей статье раскрыта сущность и международная правосубъектность субъектов международного культурного права. В статье охарактеризованы разновидности субъектов международного культурного права: раскрыта международная правосубъектность, состав правосубъектности и его объем. С точки зрения объективного анализа раскрыты становление субъектности отдельных категорий субъектов международного культурного права; обращено особое внимание на границы их возможной правосубъектности. Проведенный анализ позволил выделить ряд теоретических выводов и прикладных рекомендаций.

Ключевые слова: международное культурное право, субъекты, правосубъектность, правоотношения, правоспособность, дееспособность, деликтоспособность, сделкоспособность, государства, международные организации, Узбекистан.

FAYZULLAYEVA Nigoraxon

Senior Lecturer of the University of World Economy and Diplomacy,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: fnigora@mail.ru

ANNOTATION

This article reveals the essence and international legal personality of subjects of international cultural law. The article characterizes the types of subjects of international cultural law: it reveals international legal personality, the composition of legal personality and its scope. From the point of view of objective analysis, the formation of subjectivity of certain categories of subjects of international cultural law is revealed; Special attention is paid to the boundaries of their possible legal personality. The analysis made it possible to identify a number of theoretical

conclusions and applied recommendations.

Keywords: international cultural law, subjects, legal personality, legal relations, legal capacity, delictual capacity, transaction capacity, states, international organizations, Uzbekistan.

FAYZULLAYEVA Nigoraxon

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti
Xalqaro huquq va ommaviy huquq fanlari kafedrası
katta o'qituvchisi, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: fnigora@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada xalqaro madaniy huquq subyektlarining mohiyati va xalqaro huquq subyekti ochib berilgan. Maqolada xalqaro madaniy huquq subyektlarining turlari tasvirlangan: xalqaro huquq subyekti, huquq subyektlarining tarkibi va uning hajmi ochib berilgan. Obyektiv tahlil nuqtai nazaridan xalqaro madaniy huquq subyektlarining ayrim toifalari subyektivligining shakllanishi ochib berilgan; ularning mumkin bo'lgan huquqiy subyektlarining chegaralariga alohida e'tibor qaratildi. Tahlil bir qator nazariy xulosalar va amaliy tavsiyalarni ajratishga imkon berdi.

Kalit so'zlar: xalqaro madaniy huquq, subyektlar, huquq subyekti, huquqiy munosabatlar, huquqiy layoqat, muomila layoqat, qiynoq, bitim tuzish qobiliyati, davlatlar, xalqaro tashkilotlar, O'zbekiston.

Международное культурное право характеризуется тем, что его участники обладают особым статусом, в связи с чем, можно вести речь о правосубъектности субъектов международного культурного права. Субъекты международного культурного права – это стороны международных культурных правоотношений, наделенные нормами международного культурного права юридическими правами и субъективными обязательствами. Отсюда следует, что *субъекты международного культурного права – это участники международных культурных правоотношений, обладающие правами и обязанностями, которые установлены международным культурным правом.*

Сочетание международной правосубъектности с правами и обязанностями участника реальных международных культурных правоотношений образует понятие юридического статуса (правового положения) соответствующего актора¹, что позволяет подразделять множество субъектов международного культурных права на ограниченное число категорий – суверенные государства, народы и нации, борющиеся за свою независимость, национально-освободительные движения, международные межгосударственные (межправительственные) организации, государственноподобные [1, С.57-62] образования, а также физические и юридические лица, объем международной правосубъектности которых существенно ограничен по сравнению с четырьмя первыми категориями акторов [2].

Субъекты международного культурных права должны обладать юридической способностью самостоятельно участвовать в урегулированных международным правом культурных отношениях, самостоятельно осуществлять свои права и обязанности, установленные международным культурных правом, непосредственно вступать во взаимодействие с другими субъектами международного культурных права. Не находясь под чьей-либо юрисдикцией, субъекты международного культурных права подчинены в своих действиях международному, а не национально-правовому порядку. Для всех субъектов международного культурных права как коллективных образований

¹ В качестве синонима понятия «субъект международного права» в международных отношениях часто используется термин «актор» (от латинского «actus» – поступок, действие, деяние).

характерно органическое единство международной правоспособности и дееспособности. Категория недееспособных субъектов международному культурных праву неизвестна. Поэтому при регламентации международно-правового статуса субъекта обычно применяется термин «правоспособность». Так, в ст. 6 Венской конвенции о праве международных договоров 1969 г. говорится, что «каждое государство обладает правоспособностью заключать договоры» [3]. Сказанное позволяет говорить о наличии у субъектов международного культурных права правоспособности, дееспособности, деликтоспособности, а также сделкоспособности [4].

Содержание и объем международной правоспособности того или иного субъекта международного культурных права определяется совокупностью тех прав и обязанностей, которыми он наделен в соответствии с международным культурным правом. Эта совокупность складывается из: общих прав и обязанностей, присущих всем субъектам в силу норм общего международного права; специфических прав и обязанностей данной разновидности субъектов международного культурного права, прав и обязанностей данного субъекта (например, какого-то конкретного государства), установленных в двусторонних и многосторонних договорах и соглашениях, участником которых он является. Важно подчеркнуть, что права и обязанности, присущие всем субъектам международного культурного права, определяются в соответствии с основными принципами международного права; эти «общесубъектные» права и обязанности конкретизируются с учетом специфики международного статуса той или иной разновидности субъектов либо статуса определенного, взятого в отдельности субъекта международного культурного права [5].

Понятие субъекта международного культурного права непосредственно связано с оценкой предмета международно-правового регулирования.

Традиционное представление о международном культурного праве как регуляторе исключительно международных, межгосударственных отношений порождало «привязку» субъектов только к этим отношениям. Иначе говоря, только участники указанных отношений могли претендовать на статус международной правосубъектности.

Соответственно получило распространение особое понимание субъекта международного культурного права, отличающееся от понятия субъекта в общей теории права.

Общетеоретическое определение субъекта права сопряжено с констатацией субъективного права участия в отношениях, регулируемых правовыми нормами. Соответственно носители прав и обязанностей, установленных правовыми нормами, характеризуются как субъекты права.

В теории международного права сложилась концепция особого статуса его субъектов. При таком подходе способность участвовать в отношениях, регулируемых международно-правовыми нормами, рассматривается как предпосылка, но не главная черта субъекта.

Основное свойство субъекта – юридическая способность к самостоятельным международным действиям, включая создание согласованных международно-правовых норм, к независимому осуществлению прав и обязанностей, установленных этими нормами. Отличительные черты субъектов международного права, согласно этой концепции, выражаются в том, что они не находятся под чьей-либо властью и юрисдикцией, занимают независимое относительно друг друга положение [6].

Такой особый статус признавался, прежде всего, за государствами, поскольку речь шла об участниках межгосударственных отношений, а также за определенными международными (межгосударственными) организациями, государствовидными образованиями, нациями и народами, борющимися против колониализма, за создание собственных государств.

Поскольку физические лица (индивиды) и юридические лица (хозяйствующие субъекты), находясь под властью и юрисдикцией соответствующих государств, не обладают независимым положением в международных отношениях, их самостоятельный

международно-правовой статус отрицался, они не признавались субъектами международного права.

Современная ситуация, ознаменовавшаяся существенными переменами в самой структуре международных отношений и соответственно в предмете международно-правового регулирования, побудила теорию международного права к изменению взглядов при оценке понятия и видов субъектов международного культурного права.

Нет ничего неожиданного или противоестественного в эволюции самих международных отношений и перемене подхода к субъектам. Дело в том, что в течение длительного времени статус субъекта признавался только за государствами, а необходимым свойством субъекта считался государственный суверенитет.

Современная правовая система, будь то национальная или международная, состоит из совокупности отдельных отраслей. Каждая отрасль права – конституционное право, гражданское право, уголовное право, семейное право и др. в своем названии исходят из предмета правового регулирования, т.е. сферы правового регулирования [7]. Только название международного права не несет сферовой принадлежности, а указывает на основного субъекта международно-правовых отношений – на государств. Таким образом, государства являются не только основными субъектами международного культурного права, но и основным системообразующим элементом всей международной системы.

Не без усилий международным межправительственным организациям и особенно борющимся за независимость нациям удалось завоевать «место под солнцем», получить признание в качестве субъектов международного права. Соответственно совершенствовалась трактовка понятия субъекта, к которому уже не предъявлялось требование обладания государственным суверенитетом. Однако общие условия еще сохранялись.

В настоящее время существуют два подхода к понятию субъекта международного права и, следовательно, к характеристике конкретных категорий субъектов.

Первый – традиционный и более распространенный и в наши дни.

Второй представлен более скромными попытками распространить на международное право, и как следствие на международное культурное право, понимание субъекта права, принятое в общей теории права, т.е. идентифицировать понятие субъекта международного культурного права с юридической возможностью участия в правоотношениях, регулируемых международно-правовыми нормами, и обладания необходимыми для этого правами и обязанностями. Иначе говоря, освободить понимание субъекта международного культурного права от чрезмерных условий, выраженных в требовании особого, полностью самостоятельного международно-правового статуса и способности к равноправному участию в создании норм и к независимому, свободному от чьей-либо юрисдикции их осуществлению.

Если же мы в соответствии с современной трактовкой предмета международно-правового регулирования примем характеристику субъекта международного культурного права как действующего или возможного участника отношений, регулируемых международно-правовыми нормами, как носителя установленных этими нормами прав и обязанностей, то признаем и связанную с этим подходом реальность вхождения в сферу такого рода отношений новых участников – юридических лиц, физических лиц (индивидов), международных хозяйственных объединений и неправительственных организаций, а также – в пределах, допускаемых внутригосударственным конституционным и иным законодательством, – составных частей отдельных, прежде всего федеративных, государств.

Интересное мнение было высказано еще в 1949 г. в одном из консультативных заключений Международного Суда ООН:

«... субъекты права, в той или иной юридической системе, не являются обязательно идентичными, поскольку идет речь об их природе или объеме их прав» [8]. И хотя это суждение в конкретной ситуации относилось к правосубъектности ООН, оно, по существу, имеет общее значение.

О дифференциации объема и характера прав будет сказано ниже. Что же касается различий природы тех или иных субъектов, то в литературе принято деление традиционных субъектов международного права на две основные категории – основные (первичные) и производные (вторичные).

Категорию основных (первичных) субъектов составляют, прежде всего, и главным образом государства, обладающие государственным суверенитетом и приобретающие в силу своего возникновения (образования) международную правосубъектность, не обусловленную чьей-либо внешней волей и имеющую всеобъемлющий характер.

